Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 14 апрель, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 30 (7123)

Da`vat

Ҳаёт — кураш, янги аср арафасида бу курашда кўп нарсани ақлий салоҳият ҳал қилади.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Тайлоқ туманидаги «Бекат» фермер хўжалигининг бир кеча-кундузда 5 тонна сутни қайта ишлайдиган янги цехи ишга тушди. Дастлабки маҳсулотларнинг асосий қисми, биринчи навбатда, болалар боғчаларининг кичкинтойлари учун етказиб берилмоқда.

JUMLADA JAHON

• Давлат архитектура-қурилиш қўмитасида бўлиб ўтган кенгашда қурилиш мажмуининг амалдаги йил биринчи чорагида амалга оширилган ишлар якунлари муҳокама этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси агросаноат мажмуининг жорий йил биринчи чорагида қишлоқда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши масалаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 29 апрелдан 3 майгача Тошкентда бўладиган кураш бўйича Биринчи жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита мажлиси бўлиб ўтди.

• Хитой бош божхона бошқармаси берган январь-февраль ойларида мамлакатнинг халқаро ташкилотлар билан ташқи савдо алоқалари натижалари ҳақидаги маълумотига кўра, Хитой билан АСЕАН ўртасидаги савдо айланмаси 3.297 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

• РАТА-ТАСС ахборот агентлигининг хабарига кўра, Зимбабве ҳукумати Россиядан ўнлаб «Ми-29» русумли ҳарбий вертолёт ва бошқа қуроллар сотиб олмоқчи.

• Вьетнам Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотда маълум қилинишича, шу йилнинг 30 апрелида Хитойда Камбоджанинг АСЕАНга қабул қилиш маросими бўлиб ўтади.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Шу йил 31 март куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланган эди. Москвада жойлашган ушбу даргоҳнинг президиуми Ўзбекистон раҳбарини мамлакатда илм-фан ва таълимни ривожлантириш соҳасидаги улкан хизматлари учун, хусусан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида ушбу унвонга сазовор деб топган. 12 апрель куни Халқаро академия президенти В.Шукшунов Ислом Каримовга фахрий аъзолик дипломини тақдим этди.

Россиялик меҳмон дипломни топширар экан, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан бемисл экани, унинг замонга мослиги ва ҳар қандай талабга жавоб беришини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбарияти ўз олдига қўйган улкан мақсадларига таълим соҳасини кенг миқёсда ислоҳ қилиш ва кучайтириш орқали эришиш мумкинлигини яхши англаб етиб, бу борада барча имкониятларни ишга солмоқда. Бунда, айниқса, Президент Ислом Каримовнинг ўрни беқиёсдир, деди В.Шукшунов.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги таълим соҳасида рўй берган ва бераётган улкан ўзгаришлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатида кузатилмайди. Япония, АҚШ, Канада сингари ривожланган давлатларда ҳам ялпи миллий маҳсулотнинг 4-5 фоизи ёшлар таълим-тарбиясига қаратилади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 1998 йилда 7,6 фоизни ташкил этди. Жорий йилда уни 8,1 фоизга чиқариш режалаштирилган.

Президент Ислом Каримов халқаро академия дипломини қабул қилиб олар экан, бу ҳужжат Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришларнинг эътирофи эканини, илмнинг миллати бўлмаслигини таъкидлади. Ҳаёт — кураш, янги аср арафасида бу курашда кўп нарсани ақлий салоҳият ҳал қилади — фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишга киришганимизнинг бош сабаби ҳам шу, деди Ислом Каримов.

XXI аср бўсағасида ақлий салоҳиятнинг, таълим соҳасига сарф қилинаётган маблағларнинг аҳамиятини англаб олиш қийин эмас. Япония, Жанубий Корея мисоллари шуни кўрсатдики, таълим соҳасига ётқизилган сармоя орадан маълум вақт ўтгач, жуда салмоқли самара беради. Шу боис мамлакатимиз ҳукумати янги миллий дастур ишлаб чиқиб, уни ҳаётга жорий қила бошлади. Ҳозир ишлаётганларидан ташқари, яна мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва икки юздан зиёд академик лицейлар қуриш режалаштирилган. Уларда дарс бериш учун юзга яқин тармоқ бўйича қарийб эллик минг нафар муаллим тайёрлаш кўзда тутилган. Қолаверса, янги илм даргоҳларининг самарадорлигини ошириш учун уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш ишига халқаро молиявий ташкилотлар жалб этилмоқда.

Шу ўринда Президентимиз таъкидлаган бир омилга эътибор қаратишимиз лозим. Ҳеч бир мамлакатда бошланғич ёки ўрта таълим даргоҳини тугатган ўсмирларнинг қанчаси ўз ўрнини топиб кетяпти-ю, қанчаси бекор юргани жиддий тадқиқ этилмайди. Ваҳоланки, улар онги, тафаккури, дунёқараши энди шаклланаётган ёшлардир. Ўша пайтда улар очиқ денгиздаги кемага ўхшаб қолади — фойдали томонга бурилса, жамият ва давлат равнақи учун айни муддао, аксинча, бекорчилик туфайли қинғир йўлларга юрса, кони зарар бўлади. Эндиликда мамлакатимизда бошланғич ёки ўрта таълимга эга бўлган ўсмирлар камида битта касбнинг эгаси ҳам бўлади. Бу эса, шубҳасиз, ёшларимизнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг дипломини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, В. Голишев, Т. Рисқиев, Н. Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.



(ЎзА)

СУРАТДА: диплом топшириш пайти.
А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Ўқитувчи ёғ дафтарига

ЯНГИ ИХТИРО

Голландиянинг «Филлипс» концерни мутахассислари Японияниг «Сони» фирмаси билан ҳамкорликда янги диктофон ихтиро қилдилар. Мазкур диктофоннинг афзал жиҳати шундаки, нутқ магнит тасмасига эмас, ихчамгина микросхемага ёзилади, уни ҳар қандай компьютерга қўйиб, матнни қоғозга тушириш имконияти ҳам мавжуд.

АФЗАЛЛИГИ ҲАМ БОР

Флорида дорилфунуни олими Макс Хершелл раҳбарлигида мутахассислар қадам ташлаб юрувчи автомобиль турини яратишди. Улкан ҳашаротни эслатувчи бу техникага ғилдираклар ўрнига олтита баланд оёқ ўрнатилган. Тезлиги ҳаминқадар бўлган ушбу автомобилнинг бир афзаллиги – тиқилинчда бошқа машиналар устидан ҳатлаб ўтиб кетаверади.

ТЕМИР «ЭНАГА»

Исроилдаги Бен Гурион номидаги университет мутахассислари яратган компьютер акустик восита ёрдамида чақалоқларнинг нима учун йиғлаётганлигини аниқлаб беради. Бу темир «энага» гўдакнинг қандай касалликка чалинганлигини ҳам бехато айтиб беради.

ОЛИМЛАРГА ҚЎМАКЧИ

Америкалик океаншунос олимлар сувости тадқиқотларини олиб боришда дельфинлардан кенг миқёсда фойдаланишни кўзламоқдалар. Орқасига узоқдан бошқариладиган кинокамера ўрнатилган дельфинлар океанларнинг одам қадами етиши қийин бўлган жойларига ҳам бемалол тушиб, суратга олишади. Кинокамера плёнкаси тўлгач, денгиз жонворлари махсус сигнал орқали керакли жойга чақириб олинади.

Ўқитувчи обрўси: уни ҳар ким ўзи кўтаради
2-бет

Билиш харитаси
2-бет

Хотира
3-бет

Болангизни авайламанг...
4-бет

Ta`kid

Жамиятимизда чуқур билимли, ҳар томонлама камол топган, мустақил фикрга эга бўлган иқтидорли ва қобилиятли ёшларни тарбиялаб етиштириш жуда муҳим вазифадир. Таълим муассасаларида, жумладан, олий ўқув юртлари қошида фаолият кўрсатаётган академик лицейларда асосий мақсад муайян йўналишда ўқувчиларга чуқур, таянч билим беришдан иборатдир. Бу ишда асосий омил дарслик ва ўқув адабиётларидан фойдаланишдир. Бугунги кунда ўқувчиларнинг адабиётлар билан ишлашини, афсуски, қониқарли деб бўлмайди. Тўғри, ҳозир зарур дарслик ва адабиётлар етишмаслиги катта муаммолардан биридир. Лекин ўқувчилар кутубхоналардаги мавжуд китоблардан унумли фойдаланишаяптими? Негадир кутубхоналарда китоб ўқиётган, китоб излаётган ўқувчиларни кам учратамиз. Кўпинча ўқувчилар, ҳаттоки, уларнинг энг аълочилари ҳам дарс давомида ёзган конспектлари ҳамда умумтаълим мактаб дарсликлари билан чегараланиб келмоқдалар. Айниқса, академик лицейларда ўқувчиларнинг белгиланган ҳажмдаги материални ўзлаштиришлари ва уларнинг ўзлари танлаган йўналиши бўйича янада мустаҳкамлашлари талаб этилади. Улардан ташқари турли қўшимча адабиёт ва манбалардан фойдаланишга тўғри келади. Лицейларда ўз фанидан чуқур билимга эга бўлган, фаол ишлаётган тажрибали ўқитувчилар кам эмас. Улар асосий дарсликлардан ташқари турли адабиётларга таянган ҳолда ёшларга билим бермоқдалар. Бироқ, дарсга ажратилган вақт ичида ўқитувчи ҳар доим ҳам материални тўлиқ ўтиб улгурмайди. Шунинг учун ўқувчиларни китоб билан ишлашга ўргатишимиз, ҳаттоки улардан буни талаб қилишимиз лозим. Бугун биз лицейда бўлажак олим, фан арбоби, шифокор, давлат арбоби, муҳандис ва педагогларни тарбиялар эканмиз, уларнинг ўз-устида мустақил ишлашлари учун шу ерда замин тайёрлашимиз зарур. Тўғри, лицейлардаги кутубхоналарнинг заҳираси кам, керакли адабиётлар билан ҳали тўлиқ таъминланмаган. Лекин олий ўқув юртининг кутубхоналарида керакли адабиётлар мавжуд-ку. Қолаверса, катта фондга эга бўлган шаҳар кутубхоналари, ва шунингдек, илмий кутубхоналар ҳам ўз китобхонларини кутиб, кўпинча бўшаб ётади. Нима учун бу кутубхоналарлардан лицей ўқувчиларининг фойдаланишлари ташкил қилинмаяпти? Кўпинча дарслик йўқ, адабиётлар етишмайди деган эътирозларни эшитамиз. Тўғри, янги турдаги ўқув юртлари бўлган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун алоҳида дарсликлар ҳали яратилгани йўқ. Чунки бу ўқув юртлари тажриба сифатида ташкил этилган бўлиб, улар учун ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари синаб кўрилмоқда. Синов натижаларини ҳисобга олган ҳолда пухта ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилгандан сўнг дарслик яратишга ўтилади. Унгача ҳозирги кунда мавжуд бўлган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан самарали фойдаланишга тўғри келади.

Китоб билан ишлаш ўқувчиларнинг изланувчанлигини, фанга бўлган қизиқишини янада орттиради, ўз устида ишлашга, мустақил фикрлашга ўргатади. Кутубхоналар ўқувчилар билан доимо гавжум бўлса, улар нурга интилган каби китобга интилсалар ва уни асрабавайласалар, кўзлаган мақсадимизга тезроқ етишимиз муқаррар.

М.НИШОНОВА,
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази бош мутахассиси

Qadr

ФАХРИЙЛАРИМИЗ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Минг бора шукрлар бўлсинким, кексаларимизнинг ҳар тонг, ҳар шом дастурхон атрофида фотиҳага қўл очиб юракдан юртга тинчлик, ёмонларга инсоф, катта-кичикка диёнат тилаб қилган дуолари вожиб бўлди. Кўкдан раҳматлар ёғилди. Асрий орзуларимиз ушалиб мустақилликка эришдик.

Маълумки, И. Каримов Президентлик лавозимига сайланиши билан 1990 йилда биринчи Фармонида ёшларга дастлаб таълим ва тарбия берувчи муаллимларнинг иш ҳақини ошириш, коммунал хизмат ҳақининг 50 фоизи миқдорида ва бошқа имтиёзлар берилди. Шунингдек, Фармонга кўра республикамизда кўп йил самарали ишлаган 500 дан ортиқ педагогларга «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» деган юксак унвонлар берилди (50 йил муаллимлик қилиб собиқ Шўролар даврида ҳеч қандай унвонга эга бўлмаган камина ҳам шу Фармонда тақдирланди).

Кейинги йилларда ҳам йўлбошчимиз доим халқимизнинг маънавиятини юксак даражага кўтариш учун доимо қайғуриб келмоқда. Яна бир муҳим нарса, 30-йилларда республика ўқитувчилари учун шаҳарнинг кўркам ерида «Ўқитувчилар уйи» ва санаторияси бор эди. Бу ерга вилоятлардан пойтахтга келган ўқитувчилар баъзи семинар ёки алоҳида йиғилишларга келганда шу ерда 2-3 кун бўлиб, янгиликлардан хабардор бўлгач, яна кетар эдилар.

(Давоми 2-бетда)

Munosabat

МУТОЛАА МАДАНИЯТИ НИМА?

Jarayon

ТАЖРИБА САБОҚЛАРИ

Бошланган ҳар қандайин муҳим иш маромига яқинлашган сари жиддийлашаверади. Чунки вақтнинг ўз қолаётганлиги кўзга ташланаётган камчиликларни зудлик билан бартараф этишга шоширади.

Яқинда Республика Таълим марказида «Тажриба-синов майдончалари»да олиб борилаётган ишларнинг III чорак якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилиши ҳам шундан далолат бериб турди. Зеро, таълим ислоҳотларининг муҳим вазифасини бажараётган бу масканларда бугун амалга оширилаётган ишлар сифатига жуда кўп нарса боғлиқ. Яъни, бу ерда эртанги мактабларнинг, демакки келажакда ёшларнинг қандай билим олишларининг тақдири ҳал бўлаяпти.

Республика Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев раислик қилган йиғилишда олимлар, синов дастури муаллифлари, экспертлар ва экспериментатор ўқитувчилар иштирок этди. Унда ўқув йили якунига бир ойдан сал кўпроқ вақт қолганда қандай натижаларга эришилди, камчиликлар нималардан иборат, деган савол қўйилди.

Учинчи чорак якуни бўйича ЎзПФИТИ директори И.Турсунов ҳисоботи ушбу саволларга бирмунча ойдинлик киритиб, 23 фан йўналишлари бўйича олиб борилаётган тажриба-синов кўрсаткичларини таҳлил қилди. Таҳлилдан шу нарса маълум бўлдики, кутилган натижаларга эришиляпти.

Ҳисоботда таъкидланганидек, ҳамда баъзи мутахассисларнинг шу куни эътироз билдиришларича, она тили, рус мактабларида ўзбек тили фанлари ва бошқа фанлар бўйича ҳам синов дастурларида бирмунча хато ва камчиликлар мавжуд экан. Гарчи фурсат оз қолган бўлса-да нуқсонларни бартараф этиш учун имконият етарли. Вақтни ғанимат билиб, баҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишга, таклифлар, мулоҳазалар якунловчи IV чорак мобайнида ўрганилиб ўз хулосаларини олишига келишиб олинди. Халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган таълим ислоҳотлари ҳар бир кишининг амалий таклифини, фойдали фикрини эътиборга олишни мақсад қилиб қўйганлиги боис, фурсатдан унумли фойдаланиб ўқув йили якунигача камчиликлардан қутулиб олишга киришиш зарурлиги йиғилиш хулосаси бўлди.

Р. БОЙМАТОВ

ПУХТА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

Президентимизнинг «Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонини матбуотда ўқидиму, хаёлга толдим. Бу ишга киришганимиз эзгулик нишонаси.

Ташкил этилиши кўзда тутилаётган бу даргоҳ ислом динини чала - ярим билиб, уни нотўғри талқин қиладиган «чаламулла»лар билан баҳслашишда енгилиб қолмайдиган етук мутахассисларни тайёрлашишига шак-шубҳам йўқ. Университетда бериладиган ислом таълимотининг асослари бу мутахассислар-нинг ақлини янада теранлаштириб, тафаккурини бойитади. Ўйлайманки, диншунос кадрлар бизга жуда керак. Улар ён-атрофдаги кишиларнинг ҳам фикрини ижобий маънода ўстиришга, хизмат қиладилар.

Н.ҲАКИМОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

ТАФАККУР ҲАЙРАТДАН БОШЛАНАДИ

Кўп йиллик педагогик тажрибаларимдан шундай хулосага келдимки, мактабгача бўлган даврда болаларни қуршаб олган табиат, ўйин, гўзаллик, мусиқа, орзу-хаёл оламини – синф эшиги ёпиб қўймаслиги керак экан. Таълим олиш улар учун мактаб ҳаётининг дастлабки ойлари ва йилларида ягона, тор доирадаги фаолият бўлиб қолмаслиги керак.

Балки ўқитувчилар болаларнинг психологиясини ўрганиб, илгариги интилишларини сахийлик билан давом эттирсагина бола мактабни севиб қоларкан.

Болаларга ижодий, ақлий кўникмаларини аста-секин ўргата бориш муҳим тарбиявий воситадир. Фақат жисмоний меҳнат эмас, балки ақлий меҳнат ҳам қийинчиликларни енгишга ўқувчиларни астасекин кўниктира боради. Уларнинг ҳамма нарсани осонгина уддалашларига, бола қийинчилик нима эканлигини билмай ўсишига зинҳор йўл қўймаслик керак. Яъни, ўқувчи ҳис қилсин, тафаккури занжирбанд қолмасин, ўзи хулоса чиқарсин. Шунда у ижодий меҳнатга йўналтирилган бўлади. Бу жуда мураккаб иш бўлиб, ўқитувчидан катта ижодий меҳнат талаб қилади, албатта. Бола ҳамма нарсани осонгина уддалайверса, унда астасекин тафаккур танбаллиги ҳосил бўлади, турмуш

Mulohaza

(Давоми 2-бетда)

Safar taassurotlari

ЎЗИМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Тараққиётни мақсад қилиб, бу борада ўзига хос йўлни танлаган ҳар бир мамлакат барча соҳалардаги ўз муваффақиятларини ривожланган давлатлардаги ютуклар билан бўйлаштириб кўради. Бу, биринчидан, юртимизда олиб борилаётган ишлардан бошқаларни воқиф этса, иккинчидан, галдаги вазифаларни белгилаб олишимизга ёрдам беради. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бир гуруҳ ходимларининг АҚШга қилган амалий сафарларидан кўзлаган мақсадлари ҳам шундан иборат эди. Таассуротлар билан шу марказ бошлиғи Муҳсин Мухиддинов ўртоқлашади:

— Бизни анчадан буён Америкадаги тест-синовлари, унинг ўтказилиши технологияси қизиқтириб келарди. Тўғрисини айтсам, бу борада 80 йиллик тажрибага эга, қолаверса, биринчилардан бўлиб бу ишга қўл урган ва ривожлантирган америкаликларга беш-олти йиллик иш натижаларимиз билан рўбару келиш қандай бўлар экан, деган хаёлга бордим.

Биринчи учрашувимиз Вашингтондаги халқаро таълим бўйича Америка кенгаши «АКСЕЛС»да бўлиб ўтди. Жамият президенти Дэн Дэвидсон АҚШ таълим тизими, иқтидорлиларни танлаш бўйича мамлакатда ва бошқа давлатларда олиб бораётган фаолиятлари ҳақида гапириб берди. Жумладан, улар юртимизда ҳам бир-неча йилдан буён ишлаётганлиги ва натижалар кўнгилдагидек бўлаётганлигини мамнуният билан таъкидлади. Биз ҳам тимизда ҳам, ўқувчининг умумтаълим тизимида ҳамда талабаларнинг ўрта-махсус ва олий ўқув юртида олаётган билими ва уларда мутахассислар тайёрланиши сифатини назорат қилиш бизнинг зиммамизга топширилганлигини айтдик. Улар ўқувчидан то етук мутахассис етиштиришгача бўлган жараённинг бизда узлуксиз назоратга олинганлигини эшитиб, Президентимизнинг таълим, мутахассислар тайёрлашга бўлган алоҳида эътиборини янада ёрқинроқ англашди. Бу борада стратегик масала қўйилганлигини эътироф этишди. Республикамиз таълим тизимини ҳам ушбу Халқаро тизимга қўшилиши таклифини илгари суришди.

Учрашувларимизнинг энг муҳими – Принстон шаҳридаги Тест Марказида бўлди. Алоҳида бинога ва 200 гектар майдонга эга бўлган бу марказда икки мингдан ошиқроқ ходим ишлар экан. Техник жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Улар бизга тест-синовлари ўтказиш технологиясини, чет мамлакатларда «TOEFL» тестлари ўтказиш тартибларини батафсил гапириб беришди. Бизнинг кўп вариантли тизимимизга қизиқиб қолишди. Уларда холислик ва сирлилик қуйидагича сақланар экан: Масалан, 25 кишилик аудиторияда абитуриентлар бир-биридан узоқроқ масофада ўтиришар экан. Биринчи кишига тушган савол айнан шу мазмунда бошқа тартиб рақами остида иккинчисига ҳам тушиши мумкин экан. Шундай қилинган ишлар, режалар ҳақида, ҳукуматимизнинг таълим-тарбияни давлат даражасидаги энг муҳим сиёсат, устувор йўналиш деб билаётганлиги ва унинг ривожини ҳар томонлама таъмин этиш билан боғлиқ моддий-маънавий омилларни яратаётганлигини айтиб бердик.

Учрашув чоғида биз ўтган йилги тест синовлари натижалари асосида тайёрланган «Таҳлилий материаллар»имизнинг инглиз тилидаги вариантини тақдим этдик. Дэн Дэвидсон уни кузатиб, биргина тест-синови натижаларидан чиқарилган шунчалик кенг қамровли хулосаларга, турли кесимларда қилинган таҳлиллар аҳамиятини эътироф этиб, МДҲ давлатлари ичида бундайин батафсил ишни учратмаганлигини таъкидлади. Чиқарилган хулоса ва таҳлилни у «илмий асосланган» дея таъриф этди. Шунингдек, биз келгусида мамлакатимизда, «АКСЕЛС» билан ўқувчиларни танлашда ҳамкорлик қилиш режаларини ҳам тузиб олдик. Жумладан, амалдаги йилнинг май-июнь ойларига мўлжалланган учрашувда ушбу алоқаларни мустаҳкамлайдиган режалар тузишга ва керакли ҳужжатларни имзолашга келишиб олдик.

Иккинчи учрашувимиз Вашингтондаги Коллежлар кенгашида давом этди. Биз бу ерда асосан ушбу таълим тури бўйича олиб борилаётган ишлар, тажрибалар, педагогик технология билан қизиқдик. Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бўйича ёшларга касб-ҳунар ўргатиш масаласининг ҳар томонлама ҳал этилаётганлиги тўғрисида батафсил маълумот бердик.

Маълумки, Давлат тест маркази қошида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил март қарорига биноан Аттестация ва аккредитация бошқармаси тузилган эди. Биз Вашингтондаги Халқаро таълим тизими сифатини таъминлаш Марказининг айнан шу вазифани бажарадиган бўлими фаолияти билан қизиқдик. Улар иш тажрибаларини ўрганиш мобайнида кўпгина ибратли томонларни кузатдик. Мамлакатимизда 10 та савол бўлса, ўшаларнинг ўзи турли тартиб рақамлар билан йигирма беш кишига тушаркан.

Биз кўп вариантли тестлар ҳақида гапирганимизда, бундай савол жамғармасини тузишга анчагина маблағ кетишини айтишди. Улар бизлардан нега саволларни олдиндан беришимизни сўрашди. Биз бу биринчидан, шунчалик ҳажмдаги саволлар жамғармаси ва улар жавобларини ёдлаб бўлмаслигини, иккинчидан, бу саволлар ўқувчиларга фанлар, уларнинг боблари бўйича аниқ йўлланмалар бериб, мустақил ишлашга даъват этишини таъкидладик. Уларда тест-синовларидан, 4 ҳафтадан сўнг унинг натижалари эълон қилинар экан. Абитуриент тест-синовларидан ўтиш учун 50-70 доллар миқдорида пул тўлайди.

Албатта, АҚШда таълим олаётган ўзимизнинг ёшларимиз, қолаверса, Тест марказимиз танловидан ўтган талабаларимиз тақдири ҳам бизни қизиқтирди. Президентимизнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси томонидан Бинхинтон университетида таълим олаётган йигит-қизларимиз билан сухбатда бўлдик. Шуниси қизиқки, уларнинг барчаси бизнинг тест-синовларимизда энг юқори балл тўплаганлар экан. Университет ўқитувчилари мамлакатимиз ёшларининг сергайратлиги, билимдон ва изланувчанлигини, асосан, одобли эканликларини мақташди. Билим масканидаги шароитлар билан танишарканмиз, бир нарсага эътибор қаратдик, яъни талабанинг мустақил ўқиб-ўрганиши учун яратилган шарт-шароитга — бой кутубхона, интернет тизимига уланган компьютер хоналари. Барча талабалар ўзи билан ўзи овора. Шундай бўлгач, бола мустақил билим олиб, натижада мустақил фикр эгаси бўлиб шаклланади. Бу ерда шунга алоҳида эътибор беришар экан.

Сафардан қайтар эканмиз, шахсан Президентимиз ташаббуслари билан таълим тизимимиздаги ислоҳотлар ўз ўзанидан, тўғри мақсадлар сари йўналтирилганлигига яна бир бор амин бўлдик.

А.РАҲИМОВ суҳбатлашди

ФАХРИЙЛАРИМИЗ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

(Боши 1-бетда)

1941 йилда уруш бошланиши билан шу жой туман ҳарбий комиссарлиги ихтиёрига берилди. Улар эса бутун санатория ва «Ўқитувчилар уйи» хоналарини оилаларининг яшашига мослаб, кейинчалик қайтариб бермадилар. Айниқса, фахрий педагоглар бир неча бор Ўзбекистон раҳбарларига мурожаат қилгач, 1980 йилда «Ўзбекистон» кўчасидан 5 гектар жой ажратиб, 3 қаватли бинонинг лойиҳасини тузиб бердилар. Аммо 10 йиллар давомида бино ўз қаддини кўтара олмади. Фақат 1991 йилда фахрий педагоглардан 10 га яқин киши Президентимиз И. Каримов ҳузурига боргач, масала тез ҳал бўлди. Бино бир йил ичида қаддини ростлаб ишга тушди.

«Республика халқ таълими тарихи музейи» ёнида «Республика фахрий педагоглар хонаси» ва кутубхона жойлашган. Турли вилоятлардан турли материалларни излаб келган халқ таълими ходимлари ана шу кўркам бинодан топиши мумкин.

Яқинда Республика nf]kbv марказида фахрийлар гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда фахрийлар кенгашининг раҳбари Тўлаган ака Рустамов қисқа ахборот берди:

— Маълумки, фахрийлар жамоаси Мустақиллик шарофати билан 1991 йил октябрь ойида қайта ташкил қилиниб, унга Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, марҳум Шораҳим ота Гадайбоев (худо раҳмат қилган бўлсин) бошчилик қилиб келди. Дастлаб пойтахт фахрийларидан 60 га яқин кексалар жалб этилди. Уларнинг кўпчилиги Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилишга, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги юбилейи муносибати билан, у таваллуд топган ва саркарданинг пойтахти бўлган Шаҳрисабз, Самарқанд шаҳарларига, шунингдек, Бухоро, Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги тантанаси муносабати билан 50 га яқин фахрийлар бир ҳафта давомида республикамизнинг тарихий шаҳарлари ҳисобланган Бухоро, Хива, Самарқанд, Ғиждувон, Қўқон, Жиззах ва бошқа ерларни зиёрат қилиб қайтдик. Биз 1999 йилда фахрийлар сафига кўпроқ хотин-қизлардан бўлишини истардик. Чунки пенсияга чиққач, уйда ўтириб қолган аёлларимиз анчагина. Бунинг устига «1999 йил – аёллар йили» деб эълон қилинди. Аёлларимиз орасида Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими шарафига муяссар бўлган, фидоий педагог аёллардан Мавлуда Самадова, Хатми Қодирова, Муаззам Назарова, Одила Умархўжаева каби устозларни кўпроқ жалб қилмоқчимиз. Мақсадимиз янги йилда кўпроқ вилоят мактабларига бориб илғор тажрибаларни ўрганиш билан «Халқ таълими музейи»ни бойитамиз, ўзимиздаги йиғилган тажрибаларни оммалаштирмоқчимиз.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог,
республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

Og'riq

ЎҚИТУВЧИ ОБРЎСИ: УНИ ҲАР КИМ ЎЗИ КЎТАРАДИ

Шу пайттача дунёда нимаики пайдо бўлган бўлса муайян эҳтиёж туфайли бўлди. Эҳтиёжсиз нарсалар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Ҳаётда эҳтиёжи унчалик сезилмайдиган нарсалар эса наздимизда обрўси йўқ матоҳларга айланади. Булар албатта, табиий қонуниятлар.

Яқинда «Маърифат» газетасида, тўғрироғи, газетанинг 20 февраль шанба сонида Алишер Назарнинг «Ўқитувчи обрўси: уни ким кўтаради?» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Мен бу мақолага ўқитувчиларимиз қандай муносабат билдиришар экан, деб газетанинг ҳар бир сонини кузатиб бораяпман. Аммо шу пайттача бирорта акс-садо ўқимадим. Ваҳоланки, муаллиф қўйган савол ниҳоятда жиддий. Албатта, кимки юқоридаги мақолани ўқиб чиққан бўлса ҳар кимнинг ўз жавоби бор. Жумладан, менинг ҳам.

Ўқитувчининг обрўсини унинг ўзидан бошқа ҳеч ким кўтараолмайди. Ўқитувчининг обрўси қачон кўтарилади? Қачонки, у ўз ўқувчисининг талабини — илм беришни қойил мақом қилиб қўйгандагина.

Ўқувчи ўқитувчиси олдида андишасизлик қилса бунга ўқитувчи айбдор. Нега! Чунки у ўқувчисини ўзининг олдида андишасизлик қилишга журъат қила олмаслик даражасигача таълим-тарбия беролмаган. Умуман ўқитувчилик касбининг обрўсини сақлаш қатор масъулиятли шартлар асосида бўлади. Оддийгина бир мисол. Дейлик, бизнинг мактабимизда, яъни Каттақўрғон туманидаги 34-ўрта мактабда бугун 963 нафар ўқувчи, 86 нафар ўқитувчилар фаолиятдалар. Жамоани катта бир оила деса бўлади. Фақат бунинг бир шарти бор. Бу «катта оила»нинг шаъни ўз ўрнидаги оиланинг шаъни билан баробардир. Улчовни худди шундай қўйиш керак. Демак, қайси ўқитувчи ўқитувчилик обрўсини ўйласа, ўз ўқувчиси талабини, яхши илм беришни ўйламоғи шарт.

Билмадим, балки бугуннинг ўқитувчисида бошқа муаммолар ҳам бордир. Лекин менинг бир ўқитувчи сифатида айтганларим ана шу ва хулосам мана шу: имконият ўз қўлимизда!

Матлуба КИЛИЧЕВА,
Каттақўрғон туманидаги 34-мактаб ўқитувчиси

ТАФАККУР ҲАЙРАТДАН БОШЛАНАДИ

(Боши 1-бетда)

га енгил муносабатда бўлиб, ўқитувчининг айтганини тингловчигина бўлиб қолади.

Шу ўринда академик Қори-Ниёзийнинг «Ҳаёт мактаби» эсдаликлар китобидан бир воқеани эслаб ўтишни жоиз деб билдим.

Устознинг Тошкент дорилфунунларидан бирида битириш имтиҳонларини аъло баҳоларга топшириб, ҳаётга йўлланма олаётган шогирди билан шундай мулоқоти кечади:

— Ўғлим, айтинг-чи, шу даргоҳда неча йил таълим олдингиз?

— Беш йил.

— Энг кўп дарс тинглаган дарсхонангиз қайси ва у нечанчи қаватда?

— Тўртинчи қаватдаги 401-хона. (Албатта, мен қават ва хона номерини ўзимча келтираётгандирман, чунки бу асарни мен ҳам ёшлигимда ўқиганман.)

—Раҳмат, болам. Энди айтинг-чи, шу хонага чиқишингизда зинапоянинг нечта пиллапоясини босиб ўтасиз?

— ...

— Айтинг-чи, ўша хонада нечта дераза бор?

— ...

Ажабланарлиси шундаки, тафаккур танбаллиги бизни ўраб турган теварак оламни кузатмаганлигимиздан келиб чиқади. Фикрлаш танбаллигини келтириб чиқармаслигимиз учун болалар психологиясини ёшлигидан тарбиялаб боришимиз, ақлий, ижодий тафаккурини тўғри йўлга бошқара боришимиз лозим. Фикрлаш танбаллиги, менимча, бекорчиликдан, бўш вақтдан фойдаланишни билмасликдан келиб чиқади.

Мактабимиздаги 1-синф ўқувчилари синфхонасининг деразалари мактаб ҳовлисига қараган. Деразадан мевали ва манзарали дарахтлар, ундан сал нарида эса мактабимиз қўшниларининг боғлари кўриниб туради. Бу ҳам ўқувчиларга руҳий озуқа беради. Айтмоқчиманки, бугунги кун мактабларида мўъжазгина боғи, жонли бурчаги, музейи бўлиши жуда муҳим. Чунки бизни ўраб турган табиатдан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Катта жамоага хос қичқириқ, тўполонлар мактабнинг кичик ёшдаги болаларига тўғри келмайди. Шундай пайтлари 1-синф ўқувчилари ўз мураббийлари билан табиатнинг ана шу бир парчаси бағрида бўлгани яхши. Чунки кузатишларимдан шунга аминманки, болани мактаб ҳаётининг улар учун янгилик бўлган шовқин-суронлари дастлабки кунларда уларни эсанкиратиб қўяди (айниқса, боғча тарбиясини кўрмаган қишлоқ мактабларида). Болалар қувончи қанчалар кенг дарё бўлмасин, унинг жўшқинлиги ва хоҳишларини жиловлаб турадиган қирғоқлари бўлиши керак. Болалар учун шундай шароит муҳимки, токи улар навбатдаги дарсга танаффусда дам олиб, ҳордиқ чиқариб қайтсин.

Дастлабки ҳафталар ва ойларда ўқитувчининг мақсади, ҳарф ўргатиш эмас, ҳарф ўрганишга тайёргарлик ҳиссини уйғотишдан иборат бўлмоғи керак. Чунки туб мақсад ғўдакни турли шароитларда ишлашга ўргатишдан иборат. Синф машғулотлари «истасанг кўникишинг керак» бўлган қандайдир бир аянчли зарурат эмас, балки ўқувчи руҳини ўрганган ҳолда, уларнинг иқтидорига мос йўналишда бериладиган таълим бўлиши лозим. Кичкинтойларнинг машғулотлари айниқса, шунга қаратилса яхши бўлади. Касбга қизиқиш руҳини эса бошланғич таълимдаёқ тарбиялаш даркор, деб ҳисоблайман.

Ўқувчиларнинг, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларининг руҳини билмас экансиз, олдингизга қўйган мақсадингизга эриша олмайсиз. Кичик ёшдаги ўқувчилар, менинг назаримда, қўрқоқ қушга ўхшайди. Қафасдаги қушчадан сайрашни кутиб бўлмаганидай, болани қамоқда сақлагандай қаттиққўллик қилсангиз, у яхши ёрдамчингиз бўла олмайди, балки сизни кўриши билан юраги безиллайдиган бўлиб қолади.

Президентимиз И.А. Каримовнинг Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқларидан қуйидагилар диққатимни тортди: **«Норасида боланинг мияси, онги нимани ўзига сингдира олади, нимани ўзига қабул қилмайди... Болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайди? Умуман мактабларда болалар мустақил фикр юритишга ўргатиладими? Аминманки, ўргатилмайди. Мактабдаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У болдан ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади»...**

Дарҳақиқат, биз баъзан дарсда кўпинча бола эътиборини жиловлаб турадиган ташқи омилларни ишга соламиз, масалан, тез-тез эслатиб турамиз (яхшилаб эшит, қулоқ сол) каби, бир турдаги ишдан иккинчисига кескин ўтиб кетамиз, тушунтириб бўлган заҳоти текширмоқчи бўламиз (аниқроғи, айтганларимни тингламасанг, икки қўяман деб қўрқитамиз ҳам) ва шу орқали синфда жимликни сақлаб туришни ўзимизнинг ютуқларимиз деб ҳисоблаймиз. Хўп, синф жим-жит, ўқувчилар сизни тинглаяпти. Ҳа, улар фақат эшитаяптилар, холос. Лекин уққанлари йўқ. Чунки қуйи синф ўқувчилари ўқитувчининг биронта сўзини ўтказиб юбормаслик учун узлуксиз зўр бериб ўтиришни билишмайди. Бундай ҳолат уларнинг асаб тизимини қақшатиб, безиллатиб, толиқтириб қўяди. Бола ўйига чарчаб-ҳориб қайтади. Лекин ҳали уй вазифаси бор, шунинг учун дафтар-китоб солинган сумкага кўзи тушиши билан юраги зирқирайди. Болаларни эътиборли, ақлий фаол қилишда қаттиққўллик ярамайди. Айниқса, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ақлий кучи ва асаб энергияси – бу узлуксиз сув оладиган тубсиз қудуқ эмас. Энг муҳими, боланинг асаб энергияси манбаини мунтазам тўлдириб бориш керак. Бунинг манбалари эса атроф-муҳит предметлари ва ҳодисаларини кузатиш, табиат бағрида яшаш, китоб ўқиш, уни сўралишидан қўрқиб эмас, балки нимадир билиб олишни ҳоҳлаб, шунга қизиқиб ўқишдан иборат деб ҳисоблайман.

Ўқувчилар иккинчи босқичга ўтганларидан кейин уларнинг иқтидори янада яққол кўриниб қоладики, бу бошланғич синф ўқитувчисига бериладиган баҳо учун асос бўлади. Айниқса, 5-синф ўқувчиларини турли фан ўқитувчилари ўз йўлларига тушириб олганларича анча қўшимча меҳнат қилишларига тўғри келади.

Болалар учун яна бир оғир юк – аъло баҳолар кетидан қувишдир. Бу жуда ташвишли ҳол. Бу касаллик оилада туғилади-да, мураббийларни ҳам ўз гирдобига тортади. Айни вақтда: «Беш бармоқ баравар эмас», деганларидек, ҳамма болаларнинг аъло ўқишга имкони йўқ. Ота-оналар эса нуқул беш олишни талаб қиладилар, жуда бўлмаса тўрт олишга рози бўлишади. Шўрлик бола уч баҳо олиб қолгудек бўлса, ўзини сал кам жиноятчидек ҳис этади.

Менимча, ўқувчи баҳо олиш учун эмас, балки ақлидрок эгаси бўлиш истаги билан ўқимоғи керак. Бола ҳар бир кузатган нарсасидан ҳайратланиш ҳиссини туядиган бўлиб тарбиялансин. Чунки «Тафаккур ҳайратдан бошланади», деган нақл бежиз айтилмаган.

Таълимни тафаккур, ҳиссиёт, ижод, нафосат ёритиб турсагина, у болалар учун қизиқ, мафтункор иш бўлиб қолиши мумкин. Менинг ёшлар ҳақидаги қайғуришим бола қайфияти қандайлиги, қандай китоб ўқиётгани, боланинг яхши кўрган қандай меҳнати борлиги, одамлар қувончи-ю ҳасратига у қандай қараётгани, шу муносабат билан нималарни ҳис этаётгани ҳақидаги ўйлардан иборат. Болаларнинг ижодий меҳнати мақсадга етишиш воситаси бўлган тақдирдагина бу билимлар ўқувчиларимизнинг ўзи хоҳлаган мулки бўлиб қолади. Болалар онгида ёрқин ҳиссий характердаги савол уйғотишга муваффақ бўлинса, унинг онгида жўшқин жараён юз беради, гўё илгари мудраб ётган кучлар ҳаракатга келиб қолади.

Ана шундай билимларни ўргатиш эса биз ўқитувчиларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаларимиз бўлиб қолмоғи лозим.

Тангрикул ХУДОЙҚУЛОВ,
Пайариқ туманидаги 36-умумтаълим мактабининг олий тоифали ўқитувчиси

Oliy ta'lim

ИЖОДИЙ ВА ИЖОБИЙ УЧРАШУВЛАР

Низомий номидаги Тошкент Давлат университетининг шундоққина биқинида жойлашган Бобур боғида шоирлар Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Йўлдош Сулаймон, санъаткорлар Ғуломжон Ёқубов, Маъмура Эргашева, Рушана Султонова Яккасарой тумани ҳудудидаги 17 та маҳалла аҳолиси, талабалар оммаси, ўқитувчилар жамоасининг азиз меҳмонлари бўлишди.

Эркин, юзма-юз сухбат, дилрабо қўшиқлар чарчоқёзар эди. Халқнинг фидойи вакиллари билан учрашув кўнгилдаги тугунларни ечиб юборгандек бўлди.

Дарвоқе тадбир ташаббускори—олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидир.

* * *

Тошкент вилоят Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтининг кенгайтирилган тартибдаги Олимлар кенгаши бўлиб ўтди. Кун тартибида «Педагогик технология муаммолари» масаласи турарди. Институт ректори Дилбар Маликова бу мавзунинг долзарблиги, ижтимоий буюртма сифатида кун тартибида турганлигини алоҳида таъкидлади. Кенгашда ТошДУ Олий педагогика институтининг педагогика ва психология кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Нурали Сайидаҳмедов «Педагогик технология концепцияси» мавзуида маъруза қилди.

Мухбиримиз

* * *

Истеъдодли талаба ёшларнинг ижодий учрашуви аввал Тошкент Давлат Университетида, сўнгра унинг ён «қўшниси» Техника Университетида давом этди.

Иқтидорли талабаларни Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси И. Абдуғаниев, Тошкент Давлат университети ректори Т. Долимов қутладилар.

Жумладан, И. Абдуғаниев шундай деди:

— 70 дан зиёд институт ва университетларда қанчадан-қанча ёшларимиз таҳсил олишмоқда. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш касаба уюшмалари эътиборида. Президентимиз ташаббуси билан давлат стипендияларининг таъсис этилишидан мамнунмиз.

Талабаларга Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асари совға тариқасида топширилди.

Иқтидорли талабалар Тошкент Давлат университетининг кутубхонаси, конгеология факультетининг музей ва лабораторияларида бўлишди, «Умид» ва «Камолот» жамғармаси фаоллари билан учрашдилар.

Эртаси куни улар Темурийлар тарихи Давлат музейига, Чкалов номидаги Тошкент авиация бирлашмасига ҳамда «Қобул-Тойтепа Текстил» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонасига экскурсия уюштириб, бир дунё таассурот билан уйларига қайтиб кетдилар.

Ю. АҲМЕДОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

БИЛИШ ХАРИТАСИ

Мен кимман? Нега туғилдим? Нега яшаяпман?

Ҳар қандай буюкликнинг ибтидоси шу хил саволлардан бошланади. Буюкликнинг оддий кўриниши Ўзни топишдир. Ўзни топиш бахти эса инсоннинг ўзига юришидан, ўзини азоблашдан бошланади. Буюкликнинг яна бир мўъжаз кўриниши дунёнинг абадий саволлари «кўзи»га тик қарашдир.

Филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловни ҳамма билади. Олим дунёнинг ана шу хил мангу саволларига жавоб излагувчидир.

Сизу биз Нажмиддин Комиловнинг ўнлаб китобларини, рисола-ю таржималарини ўқиганмиз. Бугун ана шу ўқиганларимиз рўйхатига муаллифнинг яна бир китобини қўшиб қўймоқчимиз. Бу китоб «Тафаккур карвонлари» деб номланган.

Китобда Муаззам Шарқ маданияти, айниқса, Ислом дунёсида вужудга келган илм-фан ютуқлари, буюк алломаларимиз меросининг дунё бўйлаб тарқалиши ундан Шарқу Ғарбнинг ўзаро баҳрамандлиги ҳақида қизиқарли кузатишлар қилинган. Алоҳида бобда эса Соҳибқирон Амир Темур образининг Оврупо адабиёти ва санъатида яратилиши, темурийлар ижод қилган асарларнинг дунё адабиётидаги мавқеи ўрганилган.

Кеча Ўзбекистон миллий матбуот марказида ўтказилган китобнинг тақдимот маросимида ҳам ушбу фикрлар йиғилганлар томонидан эътироф этилди. Ва албатта, китоб ҳақида кенг жамоатчилик ҳали ўз фикрини айтади.

Машҳур Леонардо Да Винчи айтади: «Яхши ўтган ҳар қандай умр, узоқ умрдир». Умрнинг яхши ўтиш ўлчови нима? Билиш. Сезиш. Англаш. Профессор Нажмиддин Комиловнинг «Тафаккур карвонлари» китоби ана шу йўлдаги йўлчиларга яна битта харитадир.

Алишер НАЗАР

МАРКАЗНИНГ ВАЗИФАСИ

Dolzarb mavzu

Таълим тизимининг барча бўғинларида мустақиллик шарофати туфайли ўқув адабиётларининг мазмун-мундарижасини, тили ва услубини ҳамда методикасини тубдан янгилаш, жиддий такомиллаштириш имконияти яратилди. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 қил 5 январдаги 4-сонли қароридан келиб чиққан ҳолда, амалдаги барча ўқув адабиётларини синчковлик билан жиддий қўрикдан ўтказиш, янгилаш, давр талаби асосида янги таълим стандартларига тўлиқ жавоб бера оладиган тарзда яратиш долзарб вазифадир. Талабаларнинг психологик ҳамда ёш хусусиятлари ва қизиқишлари янгидан яратилаётган ўқув адабиётларига қўйиладиган талабларни мукаммал ишлаб чиқиш, мавжуд ўқув адабиётларини экспертизадан ўтказишни тақазо этади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида академик Саидаҳрор Ғуломовнинг бевосита ташаббускорлиги ва раҳбарлигида 1997 йил охирида «Ўқув адабиётлари, журнал ва бюллетенларни нашрга тайёрлаш Маркази» ташкил этилган эди. Марказда 20 дан зиёд ходим фаолият кўрсатмоқда.

— Марказнинг асосий вазифаси, - дейди унинг раҳбари Нуриддин Халилов, - Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун ўқув адабиётлари нашрини республика нашриётлари орқали ҳамда вазирлик тизимидаги ўқув юртлари ички нашриётлари орқали режалаштириш, тайёрланган қўлёзмалар сифатини назорат қилиш, нашр тиражини белгилаш, уларни буюртмалар асосида тақсимлаш, экспертизадан ўтказиш ҳамда шу кун талаб ва эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган адабиётлар билан мунтазам таъминлаб боришдир.

Марказ томонидан 1999 йилда 210 дан зиёд дарсликлар, ўқув қўлланмаларини чоп этиш режалаштирилган. Хорижий давлатлардан техника, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишлар бўйича кўплаб ўқув адабиётлари олиниб, тарқатилмоқда.

Марказ фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида кичик-кичик босмахоналар сотиб олиниб, янги техника жиҳозлари билан таъминланаяпти. Албатта, адабиётларни нашр этиш учун Давлат Бюджетидан берилган маблағ етарли эмас. Шунинг учун бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан янги ўқув адабиётларини яратиш долзарбдир. Ўқув жараёнини етарли даражада кичик ҳажмдаги 4-6 босма табоқ атрофидаги ўқув адабиётлари билан таъминлаш учун 23 та базавий олий ўқув юртлари профессор - ўқитувчилари жамоаси фидойилик кўрсатишлари керак. Бу борада Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Давлат молия институти ва бошқа олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг фаолияти диққатга сазовордир.

Жорий ўқув йилидан эътиборан, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратувчи муаллифлар меҳнатини етарли қадрлаш, моддий рағбатлантириш чоратадбирлари амалга оширила бошланди.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратувчи муаллифларга уч - олти ойлик ижодий таътил берилиши ҳамда ўқув юртлари раҳбарияти кўмагида етарли шароит яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Суннатулла РИЗАЕВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти

Хоразм вилояти Хива туманидаги 7-ўрта мактабда яхши анъаналар мавжуд. Б. Бобожонов раҳбарлигида мактабда турли хил буюмлар ишланмоқда. Мис қумғон, кўзалардаги нақшинкор жилвалар кишини қувонтиради.

Суратда: Уста Баҳодир Бобожонов 6-синф ўқувчиси Нодир билан санъат асарига баҳо беришмоқда.

Nafosat bo'stoni

УЛУҒ МУАЛЛИМНИНГ МУМТОЗ ИЖОДИ

Ғазал салтанатининг тождори Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий ҳамда ғазал мулкининг султони Алишер Навоийдан сўнг назм бўстонини ўз дурдона ғазаллари билан бисёр бойитган шоир Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулийдир. Унинг таваллуд топганига 500 йил тўлди.

Муҳаммад Сулаймон ўғли болаликдан ўта сезгир, ҳис-туйғули, хат-саводга чанқоқ бўлиб ўсди, Карбало ва Бағдодда ўқиди, худди шу чоғларда Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий каби буюк шоирлар ижодиётидан баҳра олди. Унинг шеърият бўстонига кириб келишида Шарқ мумтоз шеърияти кўприк вазифасини ўтади.

Фузулий ғазални шундай камолот чўққиларига кўтара олдики, унинг бу борадаги сермаҳсул ижодиёти фақат туркий халқларнинг эмас, бошқа халқлар шеърият ихлосмандларининг ҳам таҳсинини қозонди. У ғазал санъатига юксак баҳо бераркан, шундай даъват этади:

Ғазал билдирар шоирнинг қудратин,
Ғазал ортурар юзимнинг шуҳратин.

Назм қонуниятларини, нозик сир-синоатларини эгалламай туриб, тингловчиларни ўзига ром эта оладиган шеър, ва айниқса, ғазал яратиш амри-маҳолдир, деб таъкидлайди ҳассос шоир:

— Илмсиз шеър бамисоли асоссиз девор кабидур ҳамда бунингдек девор номустаҳкам ва ғоят беэътибор бўлур...

Фузулий шеъриятининг мустаҳкам заминдорлигига, бир томондан, илмийлик бўлса, иккинчи томондан, ҳаётийлик, теран фикрлилик, гўзал ва нозик ташбеҳлар, дард, ўткир ҳис-туйғу, теран фалсафий мушоҳадалар сабабдир. Худди мана шу фазилатлар унинг ғазалларини қарийб ярим минг йилдан кейин ҳам суюкли ва ардоқли этиб келмоқда:

Баҳр бир бозордир ҳар кас матоин арз эдир:
Аҳли дунё сийму зар, аҳли ҳунар фазлу камол.
Кимга бандан нафъ бўлмас, истаман нафъин онинг,
Улки йўқ нафъим анго, нафъи банго бўлмаз ҳалол.

Шоирнинг ўзига хос бир идеали мавжудки, бу юксак маънодаги гўзалликдир. Ҳа, бу гўзаллик иймон софлиги, виждон поклиги, ҳис-туйғунинг самимийлиги, олийжаноб мақсад барқарорлиги билан камол уйғотган гўзаллиқдир; бу — ҳам зоҳирий, ҳам ботиний нафосат, илоҳий бир гўзалликдир. Худди мана шу гўзалликка шайдо соҳиби битган ашъорлар бугунги кунда ҳам кўнгилларга гўзаллик уруғини сочиб келмоқда, инсонларга ажойиб нафислик улашмоқда:

Халққа оғзинг сиррини ҳар дам қилур изҳор сўз,
Бу ҳол сирдирким ўлур ҳар лаҳза йўқдан вор сўз.
Ортуран сўз қадрини сидқ ила, қадрин орттурур,
Ким на миқдор ўлса аҳлин айлар ул миқдор сўз...
Гар чўқ истарсан Фузулий, иззатинг, оз эт сўзи,
Ким, чўқ учмоқдан қилибдир чўқ азизи хор сўз.

Ўзбек мумтоз шеърияти, ҳофизлик санъати, театр-ижрочилик маданиятига Фузулий ижодиёти жуда катта таъсир кўрсатди. Бир неча аср мобайнида кўпгина миллий шоирларимиз Фузулий шеърияти баҳри-уммонидан баҳра олиб келдилар, буюк қалам соҳибининг ғазалчилик мактабидан сабоқлар олдилар, устоз ғазалларига мухаммаслар боғладилар. Масалан, Нодира шеърининг мана бу мисраларидан ҳам Фузулий таъсирини кўрса бўлади:

Ҳажр тиғи била бағрим юз чок,
Ани ҳар чокида юз минг яра бох.
Шамъ янглиғ қия бурки заррин,
Дуди оҳимдин этан қарқара бох.

Фузулий ғазаллари халқимиз орасида шунчалик кенг тарқалиб, оммалашиб кетган эдики, 1917 йилга қадар, шоир асарлари 20 мартадан зиёд нашр этилганди. Завқли-шавқли мухлислар ушбу қалам соҳибининг ўта мазмундор мисраларини лагану чинни пиёлаларга ҳам ҳусни хат билан ёздириб, махсус буюртма билан тайёрлатишарди. Бундай пиёлада меҳмонга чой узатиш фахр ва ғурур касб этарди... Фузулий асарларининг эл орасида бунчалик кенг тарқалишида халқ ҳофизларию бастакор, созандаларнинг ҳам хизматлари салмоқлидир. Шоир ғазаллари ўзининг мусиқийлиги билан осонгина халқ қўйларига, мақом тароналарига пайванд этилгани боис, ҳофизу хонандалар уларга тез-тез мурожаат қилишарди. Бу борада XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган машҳур Саъдулло Ҳофизнинг ижро салоҳиятини тилга олмоқ даркордир; у Фузулий ғазаллари билан айтиладиган ашулаларни қиёмга етказиб ижро этган. Маълумки, Зокиржон Фурқат ҳам ушбу санъаткор билан учрашган, ҳатто қазониятига марсия ҳам ёзган...

Ўша даврларда Мавлоно Фузулий ғазаллари билан ашулаларни оҳангробдек ижро этган яна бир машҳур санъаткор тошкентлик Фарзинхон ҳофиз эди. Бу зот ўзининг юксак иқтидори, жарангдор овози билан хорижий мамлакатларга ҳам донг таратганди. Унинг гўзал хонишини қумсаб, Фурқат "Бўмбайдан хат" шеърида шундай мисралар битган эди:

Айлар эрди гоҳ Фарзинхон "Сувора" машқини,
Яхши савт ила Фузулийдин ўқиб ашъорлар...

Фузулий ғазаллари билан ашулаларни юксак маҳорат ила ижро этиб келган Ҳожи Абдулазиз, Лева Бобохон, Садирхон, Назирхон ва Абдуқаҳҳор ҳофизлар, Мадрим Шерозий, домла Ҳалим, Шораҳим Шоумарлар ҳам санъат ихлосмандларининг олқишларига сазовор бўлдилар.

Фузулий ғазалларини наинки ўз ватанида, балки чет элларда ҳам кенг тарғибу ташвиқ этганлардан машҳур Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедовнинг мўътабар номини алоҳида тилга олмоқ жоиздир. Тўйчи ҳофиз 1895 йили Тошкентда бўлиб ўтган мусиқа ва ғазал оқшомида шоирнинг "Уландан сўр" радифли ғазали билан "Баёт 1"ни хониш этиб, катта олқишларга сазовор бўлган.

Устоз ҳофиз мактабидан сабоқ олган, "Фузулийхонлик"ни давом эттирган Шораҳим, Шобарот, Шожалил каби ҳофизу созандалар, Юнус Ражабий, Ғуломқори Каримов, Саъдулла Норхонов, Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокиров, Карим Мўминов, Ориф Алимахсумов, Муҳаммаджон Каримов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Муллақандову Толмасовлар, Ваҳобжон Фаёзов, Изро Малаков, Берта Давидова, Саодат Қобулова, Ҳалима Носирова, Тамарахонимлар ижро маҳоратларини янада чархлаб юксак поғоналарга кўтардилар. Атоқли хонандалардан Ҳанифа Мавлонова, Зайнаб Полвонова, ака-ука Сўфихоновлар, Шожалиловлар ҳам бу борада сезиларли из қолдирдилар... Халқ артистларидан Комилжон Отаниёзов, бастакор, созанда ва хонанда Матниёз Юсупов ҳам Фузулий ғазаллари билан Хоразм мақомларидан ажойиб намуналарни ижро этиб келдилар.

Туркистон ўлкасида, айниқса XX асрнинг 10-йилларидан бошлаб, Фузулий ижодиётидан таъсирланиб, кўп назмий асарлар битган "шоири машҳурлар"дан бири ўткир қалам соҳиби, шоир ва публицист Ҳоиб Тошкандий эди (ўша давр баёзлари ҳамда газеталарида ушбу тахаллусдаги шоир шеърлари, ғазалларини, бир девонидан ўрин олган мухаммасларни учратиш мумкин). Ҳоиб бу пайтларда Андижонда яшаб ижод қилиб келмоқда эди. У Мавлоно Фузулий назмиётига ўсмирлик чоғларидаёқ ихлос қўйганди, "Фузулийча" ғазаллар, муҳаммаслар ёзганди:

... Кеча-кундуз они фикрида хаёл истар эдим,
Нақш этиб тош узра Ширидан жамол истар эдим.

Маълумки, Фузулийнинг "Лайли ва Мажнун"и шарқда яратилган "Лайли ва Мажнун"лар ҳақидаги достонлар ўртасида дард ҳамда лирик кечинмаларнинг ўткирлиги билан алоҳида кўзга ташланиб туради. Бу асар ўзбек саҳнасида ҳам миллий "Лайли ва Мажнун" спектаклини яратишга катта туртки берди. Ушбу мураккаб, олийжаноб ишни 20-йилларда машҳур драматург, атоқли театр намояндаси таниқли шоир Ҳуршид биринчи бўлиб, Навоий достони асосида амалга оширишга муваффақ бўлди.

Кейинчалик «Ҳуршид» либреттоси асосида Глиэр ва Содиқов дастлабки ўзбек операларидан бўлмиш "Лайли ва Мажнун"ни ҳам яратишга муваффақ бўлдилар.

Замондош шоирларимиздан, ўзбек ғазалнависларидан Ҳабибий, Чустий, Собир Абдулла, Чархий, Васфий, Ўтоб, Мутъий, Ҳамза, Ҳайратий, Соатийлар ҳам Фузулий назмиётидан баҳра олиб, чиройли, мазмундор ғазаллар битдилар.

Халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар фусункор, фалсафий, мазмуни теран, бой ғазаллар яратаркандар, Ҳофиз Шерозий, Навоий, Бобур, Фузулийлар ғазал бўстонидан чинакам баҳраманд бўлганларини ҳис этамиз.

Мавлоно Фузулий фидоий, тиниб-тинчимас, маърифат тарқатувчи бўлиб, у ҳаётининг сўнгги дамларигача муаллимликни канда қилмади, билим даргоҳларида дарс берди, неча-неча қалбларга нур-зиё, нафосат улашди. Мана, энди ҳам, орадан ярим минг йил ўтгач, буюк шоир ижоди, улкан маънавий-маданий мероси ҳақиқий бир мактаб, чинакам дорилфунун бўлиб келмоқда. Унинг ғазал бўстонидан, чинакам гўзаллик баҳри-уммонидан, улардаги ажиб инсоний фазилатлардан чинакам маънавий озуқа олиб келаётирмиз...

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,
Республика халқ таълими аълочиси, мунаққид

Hamkorlik

ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги иқтисодий, маданий соҳалардаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бормоқда. Икки халқ маънавиятидаги кўпдан-кўп муштаракликлар бу борадаги алоқалар ривожини тезлаштирянти.

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Фан ва таълим маркази 1994 йил ташкил топган эди. Шундан буён бу марказ ўзбек ва Миср халқларининг илм-фан, санъат, адабиёт, таълим соҳасидаги алоқаларини кенгайтиришга, ўзаро ҳамкорлик ришталарини ўрнатишга саъй-ҳаракат кўрсатиб келяпти. Биз ушбу марказ директори, Мисрнинг Ўзбекистондаги элчиси маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси, профессор Самий Ҳаммад билан мулоқотда бўлиб, марказнинг бугунги кундаги фаолияти тўғрисида сўзлаб беришларини сўрадик.

— Марказ ташкил этилган кундан бошлаб ўз олдига бир мақсадни кўндаланг қилиб қўйган: халқларимизни бир-бирига янада яқинроқ таништириш. Бу борада марказимиз жуда катта амалий ишларни бажармоқда.

Биласиз, Миср халқи ҳам, ўзбек халқи ҳам жуда қадим, бой тарихга эга. Тарих халқларни бир-бирига яқинлаштиради. Дарвоқе бизнинг илмий маданий алоқаларимиз илдизлари узоқ-узоқларга бориб тақалади. Буюк бобокалонингиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг кейинги илмий фаолияти ҳам Миср билан боғлиқ. Ул зотнинг илмий салоҳияти натижаси ўлароқ, Нил дарёси сув сатҳини ўлчаш асбоби яратилганки, бу ўша давр Миср қишлоқ хўжалигига кўп самара берган. Ушбу тафсилотларни айтишдан муддаом шуки, халқларимиз ўртасидаги бугунги алоқалар тарихнинг узоқ пучмоқларига бориб тақалувчи муносабатлар силсиласининг тадрижий давомидир.

Бизнинг марказимиз шу силсила узвийлигини таъмин этишга жаҳд кўрсатиб келяпти. Ўтган йили Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайнерлик олийгоҳининг бир гуруҳ талаба ва устозлари Қоҳира дорилфунунида бир ой давомида меҳмон бўлиб қайтишди. Улар дорилфунун ҳаёти, у ердаги ўқитиш тизимлари билан танишиш баробарида, Мисрнинг диққатга сазовор жойлари, дунёга донғи кетган тарихий обидаларини ҳам мароқ билан томоша қилишди. Ўзбекистон мустақиллиги муносабати билан Мисрдаги Ўзбекистон элчихонасида "Ўзбекистон мустақиллик йилларида" деб аталган кўргазма ташкил этилди. Мазкур кўргазма Миср халқининг Ўзбекистон билан билвосита танишишида, шубҳасиз, катта ўрин тутади. Биз Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа олий ўқув юртлари билан мустаҳкам алоқа боғлаганмиз. Улар билан кўп жабҳада ҳамкорлик қилиб турамиз.

Наврўз арафасида Самарқанд Давлат чет тиллар институтига араб тилини замонавий талаблар асосида ўқитишнинг тўла имконини берадиган махсус ўқув марказини совға қилдик. Бу марказ энг янги аудио ва видео ўқув воситалари, араб тилида ишлайдиган компьютер мажмуаси, Миср ва бошқа араб мамлакатлари телекўрсатувларини бемалол қабул қилиб, ўқувчиларга кўрсата оладиган тобоқсимон антенна ва унга керакли бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Ўзбек халқининг қайси жиҳатлари кўпроқ сизга маъқул бўлди?

— Биласизми, барча шарқ халқларининг турмуш тарзи, хислат — равияларида бир уйғунлик бор. Жумладан, Миср халқи билан ўзбек халқи ўртасида ҳам.

Ўзбек халқидаги очиқ кўнгиллик, фарзандларга бўлган меҳр-муҳаббат, муҳтожларга хайру саховат мисрликларга хос хислатлар ҳисобланади.

Биз ўз фаолиятимиз давомида ана шуларга ҳам эътибор беряпмиз. Тошкентдаги Хлебушкина номидаги 22 - болалар уйи тарбияланувчиларига совға-саломлар улашдик, моддий ёрдам бердик. Бу ишда элчи жаноблари, доктор Мамдуҳ Шавқий шахсан бош-қош бўлдилар.

— Маълумингизки, бу йил Президентимиз томонидан "Аёллар йили" деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбек аёлларига тилакларингиз.

— Ўзбек аёлларининг одоби, ўзгалар олдида ўзини тутиши, меҳрибон ва меҳмондўстлиги мени лол қолдирди. Мен бир жиҳатни илғадим. Ўзбек аёллари , энг аввало, ўзларини она деб билишади (дарвоқе, Миср аёллари ҳам шундай). Ниятим, уларни оналик бахтидан айирмасин. Ҳамиша соғ бўлишсин.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Дилноза ҚАЮМОВА суҳбатлашди.

Xotira

УСТОЗДАН ҚОЛГАН МЕРОС

"Домла" деганда кўпроқ ўрта ва олий мактаб ўқитувчиларини тушунамиз. Аслида у халқимиз тилида кенгроқ, зиёли, олим маъноларида ҳам ишлатилади. У илм ўргатиш (муаллимлик) ва тарбия қилиш (мураббийлик) ни ҳам ўзида қамраб олади.

Сўзларнинг тақдири ҳам одамларникига ўхшайди: бахтли,бахтсиз, омади келган, омади кетган... Мансаб инсонни эмас, инсон мансабни безайди, дейдилар. Тўғри, мартаба инсонга шараф бермайди. Инсон туфайли мартаба шараф топади. Лекин яна бир тўғри гап бор. Замонлар гоҳо ҳар қандай андозани бузиб юборади ва сўзу тушунчаларга уларнинг моҳиятидан йироқ маънолар юклайди. "Домла" сўзи 30-йилларда феодал-диний сарқит сифатида истеъмолдан чиқарилган эди. Сўнгра, айниқса "илмилиқ йиллар" номи билан тарихга кирган 60 - йиллардан яна кенг қўллана бошланди. Қизиғи шундаки, 80-йилларга келиб, "домла"нинг шўрига яна шўрва тўкилди. Бу сўзни ишлатмаслик ҳақида махсус фармойиш қабул қилинди... Бунақаси бўлмаган эди. Шундай пайтда эътиқоди суст, ҳаромдан ҳазар қилмайдиганларнинг куни туғди. Лекин ҳамиша бўлганидек, "Яримта нон – роҳати жон" деб юрган, домлалик шаънини муқаддас тутганлар ҳам кўп эди. Ва аслида , бу сўзнинг асл маъно-моҳиятини давр тўфонларидан асраб-авайлаб олиб келаётган ҳам шулардир.

Профессор Ғулом Каримов (1909 - 1991) шундайлардан эди. Бу йил у кишининг таваллудига 90 йил тўлди.

Маориф ва илм-фан ходимлари бу номни яхши биладилар ва юксак қадрлайдилар. Ўзбек адабиётининг энг оғир ва мураккаб даври бўлган XIX асрнинг охири XX аср бошлари тадқиқи шу кишининг номи билан боғлиқдир. Домла ўнлаб йиллар давомида Муқимий ва унинг даври адабиётини атрофлича ўрганиб, янги даврга адабиётининг илмий концепциясини яратди, ўрта ва олий мактаблар учун биринчи бўлиб дарслик ёзди.

Афсуски, замон демократия ҳақида сўзлашдан ортиқ ҳуқуқ бермаган эди. Шу сабабли, мазмунан ва моҳиятан янги адабиёт ҳисобланишга ҳақли бўлган ушбу даврнинг аксилмустамлакачилик руҳи, исломий ахлоққа ҳалокатли таъсир этган рус ва оврупо "культур"и ҳақидаги гапларни бериш имкони бўлмади. Домла улардан айримларини сўнгроқ, 1985 йилдан бошланган, "демократия ва ошкоралик" деб ном олган даврда айтди. Жумладан , Чўлпон, Тавалло, Сидқий Хондайлиқий каби илгари жадид деб кенлинган ва четга суриб қўйилган бир қатор адиблар ҳақида матбуотда, жамоатчилик йиғинларида чиқишлар қилди. Афсуски, истиқлолни кўриш домлага насиб этмади. Адабиётимиз тарихини яхши билган, миллий ғурури баланд, табиатан ғоят зиёли бу инсон мумтоз адабиётимизни ўрганиш ва ўргатиш борасида, хусусан ўрта ва олий мактабларимизни мустақиллик даврининг дарсликлари билан таъмин этишда кўпгина фойдали ишлар қилмоғи мумкин эди.

Профессор Ғ.Каримов яхши матншунос эди. Матннинг фаҳмига, бинобарин, қадрига етмайдиган киши у ҳақда ҳеч қачон ҳаққоний фикр юрита олмайди. Ғ.Каримов эса, матншунослик билан йўл-йўлакай эмас, махсус шуғулланиб, ўз илмий фаолиятини буюк Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони илмий танқидий матнини таъкидлашдан бошлаган. "Хамса"нинг шоир ҳаётлик даврида Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган ва ЎзФАШнинг Қўлёзмалар фондида 5018 рақами билан сақланиб келаётган мазкур қўлёзма нусханинг топилиши ва Ғ. Каримовга ишониб топширилиши бутун бошли тарих. Ёш тадқиқотчи бу ноёб хазинани қунт ва ҳавас билан ўрганди. Қолган кўплаб нусхаларга, айниқса, 20-аср бошида шуҳрат топган Муҳаммад Шоҳмурод котиб (1850 – 1922)нинг литографияга тайёрлаган нусхасига синчиклаб солиштириб чиқди. Котибнинг "тузатиш'' ва "ўргатиш"ларини, ҳатто "таҳрир'' принципларини аниқлади. Бу ҳақдаги кузатишлари билан илм аҳлининг диққатини тортди. "Навоий "Хамса"сининг энг қадимий нусхаси" номли мақола эълон қилди. Ниҳоят, 1945 йилда Навоий "Лайли ва Мажнун"ининг биринчи маротаба илмий танқидий матнини яратди. Эътиборли олимлар ишга юксак баҳо бердилар. Тадқиқотчи "филология фанлари номзоди" деган илмий даража олди.

Профессор Ғ.Каримов мамлакатимизнинг бош олий ўқув юрти бўлмиш Тошкент Давлат Университетида салкам 40 йил дарс берди. 30 йил "Ўзбек адабиёти" кафедрасини бошқарди. Кафедранинг мавқеини тасаввур қилмоқ учун унда бир вақтлар ишлаган ёхуд тарбия топган Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Саида Нарзуллаева, Анвар Хожиаҳмедов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов кабиларнинг номларини тилга олиш кифоя. Кафедра заминида кейинги ўттиз йил ичида учта мустақил кафедра майдонга келди. Шуларнинг энг кейингиси "Миллий уйғониш даври Ўзбек адабиёти" кафедрасидир. Аслида "миллий уйғониш даври" деган тушунчани жадидларимиздан салкам 70 йил кейин биринчи бўлиб тиклаш лозимлигини кўтариб чиққан ҳам шу киши эдилар.

Домланинг феъл- атворида шарқона тавозеъ билан европача аниқлик ғоятда уйғунлашиб кетган эди. Ҳар бир ишга обдон ўйлаб, ҳар томонлама мулоҳаза билан киришардилар. Бу ҳол биз, талаба ва ёш ўқитувчилар орасида зарбулмасал эди. Бу тадбиркорлик фақат домланинггина эмас, у кишининг шогирдларини ҳам қийин-қистос замонлар изғиринидан безарар олиб ўтишга имкон яратди. Мен у кишидай ҳалол ва тўғри кишини ниҳоятда кам учратганман.

Домла адолатли эди. Мен у кишининг қўлларида дипломантдан докторантгача бўлган йўлни босиб ўтдим. Биз, ёшларнинг синфий қарашлардан узоқлашишимиз тез кечди. Замон айланиб, демократия ва ошкоралик шабадалари эса бошлаган 87-йилларнинг ўрталарида айрим адабий ҳодисаларга муносабатда домла билан қарашларимизда фарқлар сезила борди. Қаршилик қилмадилар, аксинча йўл бердилар. Бундай мардлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Домланинг "Салом" чойхонаси бурилишидаги файзли хонадонларига ҳамкасблари, улфатлари турли муносабат билан тез-тез келиб туришар, ҳеч бўлмаса, уй соҳибининг ўзи "гилос пишди", "норинҳўрлик", "шахматвозлик" баҳонаси билан йилда 2-3 чақириб, зиёфат бериш одати бор эди. Домланинг вафотларидан кейин биз, шогирдлари, у кишининг кутубхоналари ва шахсий архивлари тақдири ҳақида сўз очдик. Бу архив ва кутубхонанинг бойлигини тахмин қилардик. Дарҳақиқат, кутубхонада Ибратнинг ўз қўли билан ёзилган ягона нусхага эга "Тарихи Фарғона" дастхати қўлёзмасидан тортиб, сўнгги беш-олти аср давомида Шарқ мамлакатларининг турли шаҳарларида тузилган кўпдан-кўп луғат нашрларигача бор эди. 20 - 30 - йилларда чоп этилган ва қатағон замонларида йўқ қилиб ташланган китобларнинг айримлари эҳтиётқорона сақланган. Муқимий ва унинг даври адабиёти бўйича сон-саноқсиз манбалардан кўчирмалар, қайдлар, эътирофлар, эътирозлар... Улар бир тартибга солиниб, тасниф қилиб чиқилса, янги давр ўзбек адабиётини ўрганиш учун бебаҳо бир хазина эди.

Домланинг рафиқаси Маърифат ая ушбу архив ва кутубхонани домланинг 50 йиллик умрлари кечган Тошкент Давлат университетига ҳадя этдилар. Университет маъмурияти бу тортиқни жуда катта мамнуният ва миннатдорчилик билан қабул қилиб олди. Катта бир хонани қайта жиҳозлаб, "Профессор Ғулом Каримов илмий фонди"га айлантирди. Махсус бир илмий ходим иш ўрни ажратди. Бугун фондни каталоглаштириш устида қизғин иш кетяпти. Келаси йилда университет илмий ходимлари, хусусан Миллий уйғониш даври адабиёти деб аталган 1865 - 1929 йиллар адабиётини ўрганувчи мутахассислар бу бебаҳо хазинадан бахраманд бўла бошлайдилар.

Профессор Ғ.Каримов тарбиялаб вояга етказган қанчаданқанча шогирдлари, авлодларга қолдирган жилд-жилд ажойиб тадқиқотлари билангина эмас, архиви, шахсий кутубхонаси билан ҳам истиқлол манфаатларига хизмат қилмоқда.

Бегали ҚОСИМОВ

Ko'rik - tanlov

"ИНГЛИЗ"ЛАР БАҲСИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида хорижий тиллар бўйича филолог — ўқитувчилар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда университетнинг инглиз филологияси факультетида ёш ўқитувчилар маҳоратини аниқлаш кўрик-танлови ўтказилди.

Ҳакамлар ҳайъати инглиз филологияси факультети ёш ўқитувчиларининг кўрик-танловнинг дастлаб инглиз тилида ўз таржимаи-ҳолларини баён этишлари, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", таълим-тарбияга доир Президентимиз Фармонлари ҳамда асарлари, ўқитиш услубияти бўйича, шунингдек, эркин мавзу, мақоллар айтиш, касбий саволларга жавобларини тинглашди. Биринчи босқичда ёш муаллимлар компьютерда тест топшириб, инглиз тилида очиқ дарслар ўтказишган, хорижий тилда деворий газета чиқаришиб, ҳакамлар томонидан синчковлик билан ўрганилиб, баҳоланган эди. Шу факультетни тугаллаб ўқитувчилик қилиш учун йўлланма олган 10 нафар ёш мутахассиснинг дарс бериш маҳорати жуда юқори баҳоланди. Улар айниқса, хорижий тилни чуқур эгаллаганлар. Ҳозиржавоб, ўқувчи руҳиятини тушуниш қобилиятига эга.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, ёш ўқитувчи Қизлархон Жабборова 103 балл йиғиб биринчи ўринни, 101,5 ва 101 балл йиққан Маҳлиё Умарова ва Наргиза Раҳматова иккинчи ўринни ҳамда 98,5 ва 97 балл йиққан Иргашев Элёр ва Йўлдошева Марзиялар учинчи ўринни эгалладилар.

Совриндорларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Раҳмон АЛИ

"КУЙГА ТЎЛСИН ОНА ДИЁР"

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида мактабгача таълим муассасаларида мусиқа тарбиясига оид "Куйга тўлсин она диёр" мавзусида республика илмий- амалий семинари бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари Навоий шаҳридаги «Тоғ-кон металлургия» комбинатига қарашли 8,10,16,19,22 – ва халқ таълими бошқармасига қарашли 2, 3, 11-мактабгача таълим муассасаларининг нафосат тарбияси борасида олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишдилар.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ҳар бир боғчада намойиш қилинган ноанъанавий машғулотларнинг янги педагогик технология, яъни мусиқа ва пластика, мусиқавий психотренинг ва илғор чет эл педагогикаси асосида Райгин, Карл Орф, Мария Монтессори услубларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этилиши, «Тоғ-металл» комбинатига қарашли боғчаларнинг ўзгача дид билан жиҳозланиши, ҳар бир боғчада "Нафосат" хонаси ва алоҳида "Ўйинлар шаҳарчаси" ташкил этилганлиги қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Мазкур болалар боғчаларида таълим-тарбия эркин шаклда олиб борилишига эришилган. Ҳалқимизда «болалигим — пошшолигим» деган ибратли нақл бор. Тарбиячилар ана шу нақлга таянган ҳолда иш олиб боришмоқда. Бола хоҳлаганда ўйнайди, меҳнат қилади, табиатни кузатади. Ана шу тариқа бола янгиликка интилади, қобилияти ривожланади, фикрлаш доираси кенгаяди.

Куннинг иккинчи ярмида бўлиб ўтган давра суҳбатида М.Ашрафий номли консерваториянинг лаборатория бошлиғи, профессор А.Х.Ливиев 2-болалар боғчасида олиб борилаётган тажриба натижалари ҳақида сўзлади. Мазкур боғча тарбияланувчилари болаларга мўлжалланган жажжи миллий чолғу асбобларда куй ижро этиб бердилар. Сўнгра амалиётчилар ўзаро тажриба алмашиб, анжуман ҳақида таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳ.Аҳмедова, мактабгача таълим ходимлари малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курси директори М.Солиҳова, Навоий вилояти ҳокимининг муовини А.Ҳайдаров, Навоий вилояти ХТБ бошлиғи Қ.Эргашев, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг директори Р.Раҳмонов ва республикамиз вилоятларида мактабгача таълим соҳасида меҳнат қилаётган амалиётчилар, услубчилар, мусиқа раҳбарлари ҳамда илм аҳли иштирок этдилар.

Г.МУСУЛМОНКУЛОВА,
Республика Таълим маркази мактабгача таълим бўлими бошлиғи

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалавриат йўналишларининг қуйидаги фанлар мажмуаси бўйича дарсликлар ёзиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ижтимоий-гуманитар фанлари:

1. Ўзбекистон тарихи
2. Фалсафа
3. Иқтисодиёт назарияси
4. Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти
5. Ҳуқуқшунослик
6. Маънавият асослари
7. Диншунослик асослари
8. Хорижий тиллар (инглиз,француз,немис)
9. Педагогика
10. Политология
11. Маданиятшунослик
12. Социология
13. Психология
14. Мантиқ
15. Этика
16. Эстетика

Математик ва табиий фанлари:

1. Олий математика
2. Информатика
3. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
4. ЭҲМда лойиҳалаш асослари
5. Физика
6. Химия
7. Аналитик кимё
8. Биохимия
9. Ботаника
10. Биология
11. Экология
12. Микробиология
13. Метрология
14. Назарий механика
15. Машина графикаси
16. Миқдорий ва математик дастурлаш
17. Дидактик воситаларининг мажмуасини лойиҳалаштириш
18. Генетика
19. Табиий билимлар асослари
20. Касбий таълимга ўқитиш методикаси
21. Шарқ мамлакатлар жўғрофияси
22. Кутубхона жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш

Танлов иштирокчилари ўз фанлари бўйича илмий-педагогик тажрибага эга бўлиши лозим.

Танловга бўлажак муаллифлар ўқув-илмий муассасалар томонидан тавсия этилиши, шунингдек, муаллиф шахсан ўз аризаси билан қатнашиши мумкин.

Танлов ғолиблари билан дарслик тайёрлаш учун ўзаро манфаатли шартнома тузилади ва асосий иш жойида имтиёзлар яратилади. Танловга қуйидаги маълумотлар топширилади:

1. Тавсиянома (ёки ариза).
2. Номзоднинг нашрдан чиққан дарсликлари ва ўқув қўлланмаларининг тасдиқланган рўйхати.
3. Эгаллаб турган лавозими ҳақида маълумотнома (агар нафақахўр бўлса охирги ишлаган жойидан).
4. Фан дарслигининг мазмуни бўйича мулоҳазаси (2-3 бет).

Умуммутахассислик ва ихтисослик фанлари бўйича дарсликлар яратиш танлови ҳақида эълон алоҳида берилади.

Танловга ҳужжатлар 1.06.99 йилгача қуйидаги манзилга юборилиши сўралади: 700011, Тошкент, Пахтакор кўчаси, 3-уй

Тел: 41-89-57, 41-10-62.

БОЛАНГИЗНИ АВАЙЛАМАНГ...

ҚАТРА

Фарзандларингизни қишлоққа олиб боринг. Болангиз тупроқ ҳидини, ўт-ўланлар бўйини сезиб улғайсин. Оёқяланг чопиб юрсин, тиканлардан аяманг. Товонлари ёз қуёши тафтидан куйсин. Бедазорда осмонга тикилиб ётмаган кимса унинг гаштини ҳеч қачон билмайди. Қўлларига ўроқ ушлашни ўргатинг. Меҳнат нони ширин бўлишини билсин. Бозордан сотиб олиб тут едирманг. Ўзи дарахтдан териб есин. Ўроқ тутган қўлчаларини қаварақ жойларини боғламанг асло. Ўзи битиб кетади. Ариқларда оқаётган сувда чўмилсин, уришманг. Ўз ҳолига қўйинг, териси тўрлаб кетсин. Унинг зоҳирий қорайиши ботинини тозалайди. Бир куни оёқларини куйдирган тупроқ тафти юрагига чўғ солади-ю, ерга меҳр қўяди. Кўм-кўк майсаларнинг бўйи димоғини қитиқлаган палла оламга тийрак назар ташлайди. Оёқчаларига кирган тикан захри жонини бир лаҳза ачитади. Тикан юракка қадалса-чи? Болангиз эзгуликка дўст тутинсин, ёмонлик тиканларидан, номеҳрликдан асранг. Қўллари қаварса майли, қалбининг қаваришига йўл қўйманг. Ялпиз териб келсин. Кўк чучвара қилиб беринг. Таъми оғзида қолсин. Тандир нима эканлигини билсин. Иссиқ кулчалар ёпиб беринг. Нон ҳидини ҳеч қачон унутмасин. Имкон топинг. Болангиз қўзичоқнинг кетидан қўзичоққа ўхшаб чопиб юрсин. Гулзорда капалаклар қувлаб ниначи-ю, тиллақўнғизларни кафтига олиб томоша қилсин. Имкон топинг. Сигирнинг арқонини ушлатинг. Бир сиқим ўт бersин. Оқ сутни ичганда, қаймоқ еганда гашти ўзгача бўлади. Сут машинада ёки магазинда сотилаётганини кўрганда ҳайратланиб турмайди. Тирик табиат ва унда кун кечираётган ҳайвонот олами болангиз дилига қўрқув эмас, шодлик солсин. Табиатни асрашни ўргатинг. Болангиз ногоҳ илонни ушлаб ўйнаётганини кўрсангиз ўтакангиз ёрилмасин. Зиёни йўқ. Довюрак болангизни чўчитманг. Даҳшат сола кўрманг ботир қалбига. Томгами, теракками чиқиб кетса, ушлаб олиб зинҳор жазоламанг. Эшакка миниб йиқилса-ю бирор жойи лат еса ёки шилиниб кетса асабингизни бузманг. Қадимда ота-боболаримиз ўзларига отни садоқатли йўлдош тутишган. Отни кўрганда фарзандингизнинг кўзлари чақнаб кетса ажабланманг. У яшаш бахтини тирик табиат бағрида чуқурроқ англайди.

Болангизга кечалари мардлик, юрт баҳодирлари ҳақида эртаклар сўзлаб беринг. «Кўзларингни юм, ана олабужи келяпти» деб чўчитманг. Юртимизга ботир ўғлонлар, шижоатли, оқила қизларни камолга етказиб бермоқ умрингизнинг асл маъноси эмасми? Фарзандларингиз очиқ ҳавода, осмонга тикилиб ётсин. То кўзи уйқуга кетгунча юлдузларни санасин. Ўз юлдузини, сизнинг юлдузингизни, дўстларининг юлдузини топсин. Бир биридан ажратишни, узун тунлар ой билан суҳбатлашишни ўргансин. Саволларига эринмай жавоб беринг. Фикри, ўй-хаёли равшан тортади. Онги ҳам ўзи билан баробар улғайиб боради.

Ёзнинг иссиқ куни ариқнинг муздек сувига оёқларини ботириб, китоб ўқиётганини кўрсангиз халақит берманг. Болангиз қишлоқ қалбининг соддалигию поклигига, ташвишию қувончларига ошно бўлиб улғайсин. Уни қишлоқ чангиғуборларидан эмас, сершовқин шаҳарнинг кўз илғамас гардларидан асранг.

Муҳтарама ТУРКОЙ,
шоира

Maktabgacha ta`lim

Ватан эртасини, юрт истиқболини бугун боғчада, мактабда тарбияланаётган, ўқиб-ўрганаётган болакайлар нигоҳида кўрамиз. Қачонки, уларга тарбия ўз вақтида берилсагина.

Чилонзор туманидаги 322-махсус болалар боғчасида бўлганимизда 77 нафар болажонлар зукко ва билимдон қилиб тарбияланаётганлигини кўрдик. Демак, улар вақт келиб Ватанига сидқидилдан хизмат қила олишига шубҳа йўқ.

Суратда: катта гуруҳ тарбиячиси Умида Расулова болалар билан навбатдаги машғулотда.

Ш. КАРИМОВ олган сурат

Xullas...

ТЎРТОЕҚЛИЛАР УЧУН «ЛЮКС»

Итлар одамзот билан ҳамиша бирга. Вафодор бу уй ҳайвони ўзига кўрсатилган илтифотга албатта «акс-садо» қайтаради.

Торонто шаҳридан унчалик узоқ бўлмаган жойда Канададаги уй ҳайвонларини парвариш қилиш компаниясининг ёзги лагери ташкил қилинган.

Бадавлат хонадонларнинг «эркатой»лари бу ерда ҳовузда сузиб, силкинишлари, қайиқда учишлари, табиат қўйнида сайр қилишлари мумкин. Тўртоёқлилар учун яратилган «люкс»да 4 киши ўз хизматига яраша ҳақ олади. Итларнинг уч кунлик парвариши 100 доллар. Агар ўз «эрмак» ларисиз дам олишга кетсалар, ит эгалари икки карра ҳақ тўлаб қўйишади. Умуман, компаниянинг мақсади ҳам шу: арзимас хизматга отнинг калласидек ҳақ ундириш. Аммо шуниси ҳам борки, белгиланган хизмат ҳақи устида бойваччалар талашиб-тортишмайдилар...

450-ЎЛЧАМЛИ БОТИНКА

Колумбиялик косиб Хайеме Гарсия тайёрлаган ботинкани кўриб, мижозлар ёқа ушлашди. У 450-ўлчамда бўлиб, узунлиги 3 метр, кенглиги 1,03 метр ва чуқурлиги 73 сантиметр экан. Гарсия бу матоқни тайёрлаш учун роппа-роса 72 кун куйиб-пишиб ишлади. Буниси ҳам майли, ботинка хом ашёсига у 330 АҚШ доллари сарфлади. Ботинкага устанинг оёғи тугул ўзи ҳам сиғиб кетади.

Эҳтимолдан холи эмаски, косиб тиккан бу ботинка Гиннеснинг рекордлар китобига ёзилади.

Дарвоқе, бундай улкан ботинкани Ер юзида ҳали ҳеч ким тайёрламаган. Гарсиядан аввал яшаб ўтган усталардан бири 2,2 метр узунликдаги ботинка ясаганлиги қайд қилинган.

ДИПЛОМАТНИНГ «ҚИЛИҒИ»

Ҳар нарсанинг ози яхши. Лекин буни Таллинда яшаётган немис дипломати унутди. Бир стакан, ҳа, атиги бир стакан ортиқча «отиб» юборган элчихона ходимининг обрўйи тўкилди.

Кайф таъсирида у соатига 30 километр тезлик билан кетишга рухсат этилган йўлда «учгиси» келди. Полиция ходимлари машинани тўхтатишди: шармандали ҳол. Элчихона ходими қонида алкоголь борлигини текшириб кўрадиган экспертизага боришдан қатъий бош тортди. Унинг «қилиқ»лари бу билан тугамади. Маҳаллий тижорат телеканалининг видеокамерасини синдирди. У ҳушёр торттач, телевидение ходимлари видеокамера харажатларини тўлиқ ундириб олдилар.

Германия элчихонаси ўз ходимининг тақдирини ўйламоқда. Эҳтимол, уни уйига жўнатишар...

ana shunaqa gaplar...

Sport

ИККИТАСИ ҒАЛАБА

Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси футболчилари иккинчи рақиби Тожикистон олимпиадачиларини ҳам 3-0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Футболчиларимиз навбатдаги беллашувни 24 апрель куни Ашгабатда Туркманистон жамоасига қарши ўтказади.

РЕКОРД, РЕКОРД, РЕКОРД

Пойтахтимизда бўлиб ўтган 21 ёшгача бўлган оғир атлетикачиларнинг Республика чемпионати бир неча мамлакат рекордларига гувоҳ бўлди. 69 кг. гача вазнда А. Скоробогатов даст кўтаришда 130 (125), шу вазнда Э. Гумиров 160 (155) кг. тошни силтаб кўтариб умумий ҳисобда 285 кг. лик янги натижани қайд қилган бўлса, 105 кг. дан оғир вазндаги спортчи Б. Эргашев биратўла учта рекорд (155 (147,5)кг. даст кўтариш, 185 (177,5) кг. силтаб кўтариш ва 340 кг умумий натижа) ўрнатди.

ХУШХАБАР

Ўзбек миллий курашининг жаҳон бўйлаб «салб» юриши давом этмоқда. Яқинда олинган хабарларга кўра, Литвада кураш федерацияси тузилибди. Шунингдек, Вильнюс жисмоний тарбия институтида кураш бўлимини очиш масаласи ҳам кўрилмоқда экан.

«ЖАР» ДАГИ БЕЛЛАШУВЛАР

Таэквандо бўйича 16 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида Республика чемпионати бўлиб ўтди. Тошкент шаҳрининг «ЖАР» спорт мажмуи бир неча кун давомида ёшларнинг ғалабага бўлган иштиёқлари билан тўлиб-тошди.

АФРИКАЛИКЛАР ЮТИШДИ

Парижликлар ўтказилган югуриш бўйича анъанавий халқаро марафонда африкаликлар бошқалардан анча бардошли эканлигини исботлади. Маррани Жумус Руто (Кения) биринчи, Пол Кипсамбо (Кения) иккинчи, Левензе Коломбо (Конго) учинчи бўлиб забт этишди.

maydonchasi

Ko'ngil bitiklari

ФАСЛИ НАВБАҲОР КЕЛСА...

Мана, яна боғларда булбуллар наво этмиш,
Атроф бўлиб мусаффо чанг ила ғубор кетмиш,
Дилларга ором бериб, майин шабода елмиш,
Дўстлар, бу кун ўлкамга фасли навбаҳор келмиш.

Мовий рангли осмонда қуёш кулиб боқадир,
Тоғу-тошдан шарқираб оби раҳмат оқадир,
Оҳ, бу дамлар юракка ишқ оловин ёқадир,
Дўстлар, бу кун ўлкамга фасли навбаҳор келмиш.

Чучмома-ю бойчечак — баҳор таққан илк балдоқ,
Қирнинг кўксида яна рақс этади қизғалдоқ,
Олам аввалгидан ҳам кўринади гўзалроқ,
Дўстлар, бу кун ўлкамга фасли навбаҳор келмиш.

Анҳорларнинг бўйида ялпизлар юз очадир,
Дарахтлар оқ либосда ажиб бўйин очадир,
Танларга кириб дармон, кўздан уйқу қочадир,
Дўстлар, бу кун ўлкамга фасли навбаҳор келмиш.

Эй Холида, сен яна ижод қаламинг тутгин,
Олам қандайин гўзал, ғамларингни унутгин,
Энди келажагингдан яхши кунларни кутгин.
Мана, бу кун ўлкамга Наврўз айёми келмиш.

Холида ОХУНОВА,
ўқитувчи

СОҒИНЧ

Бир осмону бир заминда манзил йироқ,
Ҳар лаҳзани йилдай қилиб ўртар фироқ,
Лекин дийдор отлиг умид йўлда чироқ,
Яхшиямки Сирдарёнинг кўприги бор.

Соғинч ҳисси бағрим тилим-тилим тилар,
Фарғонанинг кўчалари торлик қилар,
Куйган кўнгил оҳин ёлгиз Оллоҳ билар,
Бир кўрарга бунда бизлар умрбод зор.

Кунларимда маъно йўқдир, бегим, сизсиз,
Ўтиб боргум бу дунёдан бирор изсиз,
Битта умр адо бўлди тутаб эсиз,
Бу оламга келганлигим бўлди бекор.

Бу зорликлар мукофотин бергил, Худо,
Аҳли жинон қаторига тергил, худо,
Руҳимизни ўзинг никоҳ қилгил, худо,
Иккимизни айирмагил яна такрор.

Замирахон МАМАТХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси

QUTLOV

Ҳурматли Абдумажид Тўраев!

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Ёшларни билимли қилиш баробарида касб-ҳунар соҳиби этишдек машаққатли меҳнатингиз ўз самараси билан ҳамиша кўнглингизни чоғ этсин

Соғ-омон бўлинг!

Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги касб-ҳунар лицейи жамоаси

1999 yil — Ayollar yili

САБР ТАГИДАГИ ОЛТИН

Болалигим ёдимда. Ток барглари соя ташлаган чорпояда отам - онам, опа-сингилларим, укаларим билан тамадди қилиб ўтирганимизда, акам кириб келарди. Акамнинг кириб келиши ҳамиша байрам бўлиб кетарди. У бизга тешик кулча, хўрозқандлар улашиб чиқар, сўнгра дастурхон қаршисига ўтирарди.

Чой ичиб бўлгач, рубобни созлашга тушарди. «Лазги», «Тановар», «Муножот», «Сегоҳ»... Барчамиз ушбу куйлар оғушида маст бўлиб, мазза қилиб тингландик. Жиззах шаҳридаги мусиқа билим юртида ўқиб юрган акам ана шундай санъат ошуфтаси эди. Кейинчалик у уйланди. Янгам ҳам педагог бўлиб, тил-адабиётдан дарс берарди.

Тўнғич ўғилни уйлантириш ҳар бир она учун ширин орзу. Унинг орзу-ҳавасини кўриш яна ҳам тотлироқ. Аммо, орадан бир, уч, беш, ҳатто ўн йил ўтса ҳамки, акам фарзанд кўрмасди. Умидларимиз сўнди, аммо қалбимизда бир илинж яшарди. Бу изтироб ҳаммамизни исканжага олган эди. Лекин ҳеч бир нарса, эр-хотин орасидаги риштани уза олмас, улар ҳамон тирноқ кўришга умид боғлар эдилар. Онам шўрлик эса, юзига ҳар фотиҳа торттанда уларнинг эл қатори фарзандлик бўлишини истаб, дуо қиларди. Отамнинг беш вақт намозида ҳам шу илтижо эди. Болалар — Фурқат номли 10-ўрта мактаб ўқувчилари байрамларда устозимиз дея ҳар иккаласини йўқлаб, уйларига ташриф буюришганида, кузаттанман: тузатилган дастурхон атрофига йиғилган болаларга бир-бир жавдираб қараган акам ва янгамнинг кўзларида ёш айланарди.

Сабрнинг таги сариқ олтин экан. Бу не мўъжизаки, 20 йиллик изтиробли ҳаётга қувонч кирди. Акамнинг хонадонида чақалоқ йиғиси янгради. Улар фарзанд кўришди. Акам Қобилжон Алқаров ва Янгам Рўзибуви Абдуҳакимоваларнинг қувончини қай тариқа баҳам кўрганимни таърифлаб беролмайман. Туғилган ўғлон 1997 йил Рўза ойининг тугашида, «Лайлат - ул қадр» кечаси дунёга келган эди.

Менинг ширин жажжигина жияним, сенга иккинчи баҳоринг муборак бўлсин! «Лайлат - ул қадр» кечаси туғилган оқшоминг хонадонимиз нақадар нурга тўлган эди. Ҳайит кунлари байрам устига байрам бўлиб, кўчага чиққанимизда онам раҳматликнинг руҳлари нақадар шод бўлган эди.

Бугун эса ота-онангнинг шодлиги чексиз! Сенинг иккинчи баҳорингни нишонлаш учун қариндош-уруғларни таклиф қилишган. Ҳамма сенга умринг узоқ бўлишини тилайди. Баҳодир бўл, мард бўл, элнинг хизматида бўл, азизим!

Зарбуви АЛҚАРОВА,

Sport

МУРОСАСИЗ МУСОБАҚАЛАР

Боғишамол туманидаги 24 - ўрта мактабда бадиий гимнастика бўйича 1982 йилда туғилган қизлар ўртасида вилоят «Ёшлик» КСЖ нинг очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Бу мусобақада вилоятнинг энг кучли спортчилари қатнашди. II-катталар разряди бўйича I-ўринни Комила Абдурасулова, I-катталар разряди бўйича эса ғолиблик шоҳсупасини Люба Шляпакова эгаллади. Спорт усталигига номзодлар бўйича Евгения Шабашова, спорт усталари бўйича Шоҳсанам Исоқова I-ўринни эгалладилар. Мусобақага ғолиб спортчиларни И.Ҳакимова ва И.Голубева тайёрлади.

***

Самарқанд шаҳридаги 51-мактабнинг спорт залида шаҳар ХТБ қошидаги 3 волейболга ихтисосланган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг 1985 йилда туғилган ва ундан ёш бўлган қизлар ва ўсмирлар ўртасида волейбол бўйича очиқ биринчилик бўлиб ўтди. Унда саккизтадан команда қатнашиб, Сиёб, Боғишамол ва Темирйўл туманлари ўзаро куч синашдилар. Муросасиз ва кескин ўтган мусобақаларда қизлар ўртасида биринчи ўринни Темирйўл туманининг 7-мактаби қизлари қўлга киритди. Ўсмирлар ўртасида Темирйўл тумани ўғил болаларининг ҳам қўллари баланд келиб, I-ўринни (51-мактаб жамоаси) эгаллади. Чемпион ва совриндорларни Самарқанд шаҳар ХТБ дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Мамажон АҲМЕДОВ

ЭЛНИ ЭЛГА ҚУШГАН ЮРТИМ

Пскент туманидаги 15 - ўрта мактабда дарслар ўзбек ва тожик тилларида олиб борилади. Мактаб шароити унчалик талабга жавоб бермаса-да, бу ердаги ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билимга интилувчанлигидан қувонасан киши. Айниқса, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, мактаб илмий бўлим мудираси Гулсара опа Раҳматованинг ташкилий ишлари таҳсинга лойиқ. Яқинда ушбу мактабда «Элни элга қўшган юртим» шиори остида беллашув ташкил этилиб, бу беллашувга Самарқанд вилояти Тойлоқ туманининг Пайшанбисиёб маҳалласидаги 20 - ўрта мактаб жамоаси таклиф этилди. Мактаб ҳовлисида самарқандлик меҳмонлар — 20-ўрта мактаб директори Ориф Ёров, ташкилотчи ўқитувчилар Султон Сафаров, Шоҳиста Маҳкамова ва Муҳайё Худойқулова бошчилигидаги 30 нафар ўқувчилар гуллар билан тантанали кутиб олинди. 15-мактаб директори Вали Акаев меҳмонларни қутлаб, дўстлик алоқаларини яна ҳам мустаҳкамлаш ҳақида гапирди. Сўнг қизиқарли беллашув бошланиб кетди. Айниқса, «Санамлар сарвари» беллашуви икки вилоят ўқувчиларини яна ҳам билимлироқ бўлишга ундади. Ўзини таништириш, урф-одатлар, саҳна кўриниши, эркин мавзу ва қизиқарли ривоятлар баҳси ҳам ҳаммада чукур таассурот қолдирди.

Беллашувда Тойлоқ туманининг 20-мактаб ўқувчилари ғолиб деб топилди.

Мактабларо бундай учрашувларнинг тез-тез ўтказилиб туриши таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Шокир АҲРОРОВ

ҚИЗЛАРИМИЗ СПОРТГА ЖУДА ҚИЗИҚИШАДИ

«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно, ва албатта, бахтли бўлишлари шарт». Бу сўзларни Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги барча мактабларнинг кириш йўлагида учратиш мумкин.

Хўш, Президентимизнинг бу сўзлари қуруқ шиор сифатида осилиб турибдими ёки унга эришиш учун амалий ишлар қилиняптими? Шу саволга жавоб топиш мақсадида туман мактабларида спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдик. Ўқувчи билимли, доно бўлиш учун соғлом ва чиниққан бўлиши керак.

— Туманимизда, деб гап бошлади халқ таълими бўлими спорт ишлари бўйича услубчиси Зафар Охунов, – спортга, айниқса, ўқувчилар спортига катта аҳамият берилади. Биз ҳар йили спортнинг ҳамма турлари бўйича мусобақалар ўтказамиз. Уларда нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар ҳам фаол иштирок этадилар. Биз республикамиз ҳукумати чиқараётган қонун ва қарорлардан келиб чиқиб иш олиб борамиз. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунлардан келиб чиқиб фарзандларимизни соғлом, баркамол, ҳур фикрли қилиб тарбиялашда спортнинг аҳамиятини билган ҳолда иш олиб бормоқдамиз. Яна шуни таъкидлаш керакки, бу йил Президентимиз таклифи билан «Аёллар йили» деб эълон қилинди. «Аёллар йили»да ўқувчи қизларимизни спортга кенг жалб этмоқдамиз. Яқинда хотин-қизлар ўртасида спорт мусобақалари якунланди. Бунда тумандаги 12-,34-, 6-, 9- мактаб спортчи қизлари ғолибликни қўлга киритишди. Айниқса, бизни қувонтирадиган нарса шуки, қизларимиз спортга жуда қизиқишади, мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўришади. Ўзбекчиликда аёлларнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлишига ғалати қарайдилар. Лекин мактабларда спортчи, иқтидорли қизлар борлигини, уларнинг эркак ўқитувчилардан ниманиб, ўз имкониятларини намоён эта олмаслигини ҳисобга олсак, мактабларда жисмоний тарбия ўқитувчиларидан бири аёл бўлиши керак. Шу масалада ҳозир саккиз нафар аёл ўқитувчи билан иш олиб боряпмиз. Келгуси ўқув йилида ҳар бир мактабга бир нафардан аёлларни жисмоний тарбия ўқитувчиси қилиб тайёрламоқчимиз.

— Бу қандай ёки нимани ҳисобига амалга оширилади?

-Бошланғич синф ўқитувчиларини спортга ихтисослаштирмоқчимиз. Улар ҳам ишсиз қолмайди, мактабларда келажакда машҳур спортчи қизлар етишиб чиқади. Туманимиздаги 12-мактабда енгил атлетикачи қизимиз бор. Исми Машҳура. Уни биз Тошкентга Олимпия резервлари билим юртига ўқишга юбормоқчимиз. Унинг келажаги порлоқ.

Бундан ташқари март ойида хотин-қизлар спартакиадаси ўтказилди. Унда мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар ходимлари қатнашдилар.

Зафар Охунов айтган гаплар нечоғли тўғрилигини билиш учун биз тумандаги 34-, 12-, 1- мактабларга бордик. Мени ҳаяжонлантирган нарса шу бўлдики, 34- мактаб тўққиз йиллик бўлиб, 410 нафарга яқин ўқувчи ўқир экан. Лекин болаларнинг ҳаммаси спортга жуда қизиқар эканлар. Бу мактаб қизлари волейбол бўйича ўтказилган туман биринчилигида ғолиб бўлишибди.

Улар билан суҳбатлашдим, бу ютуққа эришувларида устозларининг хизмати катталигини айтишди.

Ҳа, эътибор бўлган жойда юксалиш бўлади. Ишонч бўлган жойда собитқадамлик ҳукмрон. Бу қизлардан машҳур спортчилар етишиб чиқмас, лекин улар келажакда соғлом, кучли фарзандлар тарбиялай олишади, деган умиддамиз. Зеро, соғломлик спорт билан шуғулланишда, мунтазам ҳаракатда.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0282. Тиражи 57.532.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди — 20.30.